# БАЁННОМА
## айбланувчи тариқасида сўроқ қилиш тўғрисида

2025 йил 30 январь Нукус шаҳри

ДХХ Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси Тергов бўлими терговчиси адлия катта лейтенанти О.Ж.Кдырбаев, хизмат хонамда, ҳимоячи "Simay Kom" адвокатлик фирмаси адвокати У.Давлатовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36, 90, 92, 96-111-моддаларининг талабларига риоя қилиб, қуйидаги шахсни айбланувчи тариқасида сўроқ қилдим:

Сўроқ бошланди : соат: 10 : 05 да Сўроқ тамомланди: соат: 12 : 46 да

| | |
|---|---|
| Фамилияси, исми, шарифи | **Абдраманов Жеткербай Дарьябаевич** |
| Туғилган куни | 23.08.1989 йил |
| Туғилган жойи | Қонликўл тумани |
| Миллати | Қорақалпоқ |
| Фуқаролиги | Ўзбекистон Республикаси |
| Маълумоти, касби | Ўрта |
| Ишжойи, лавозими | Вақтинча ишсиз |
| Яшаш жойи | Қонликул тумани, "Сари алтин" ҚФЙ, "Қуроз чуқур" кўчаси, 181-уйда доимий рўйхатда туриб, истиқомат қилади |
| Оилавий аҳволи | Бўйдоқ |
| Шахсини тасдиқловчи ҳужжат | КА 1173020 серия ва рақамли фуқаролик паспорти |
| Судланганлиги | Муқаддам судланмаган |
| Депутатлиги | Депутат эмас |
| Ҳарбий хизматга мажбурлиги | Ҳарбий хизматга мажбур эмас |
| Мукофотланганлиги | Мукофотланмаган |
| Жабрланувчи алоқаси | Йўқ |
| Айбланувчига алоқаси | Ўзи |

**Тергов ҳаракати бошланишидан олдин, айбланувчига унинг Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди:**

**Айбланувчи:** ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш; қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ушбу Кодекс 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида

иштирок этиш; суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; жиноят ишининг суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириш ҳамда суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса, кассация ва назорат инстанциялари судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга. Судланувчи охирги сўз билан чиқиш ҳуқуқига эга.

**Айбланувчи:** суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт. Айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

**Айбланувчи** ____________ **Ж.Д. Абдраманов**

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46 ва 361-моддаларига асосан айбланувчи Ж.Д. Абдрамановга, у Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг ЖКнинг 159-моддаси 1-қисми, $244^1$-моддаси 3-қисми «г» банди ва $244^2$-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланаётганлиги эълон қилинди.

Мен терговчининг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 1-қисми, $244^1$-моддаси 3-қисми «г» банди ва $244^2$-моддаси 1-қисми билан айблаш ҳақидаги 2025 йил 30 январь кунидаги қарорида кўрсатилган айбловга қысман иқрарман

**Айбланувчи** ____________ **Ж.Д. Абдраманов**

**Савол:** Кўрсатув беришни хоҳлайсизми, агар хоҳласангиз қайси тилда кўрсатув беришни хоҳлайсиз ва таржимон хизматига муҳтожмисиз?

**Жавоб:** Мен ўзбек тилида кўрсатув беришни хоҳлайман, таржимон хизматига муҳтож эмасман.

**Айбланувчи** ____________ **Ж.Д. Абдраманов**

**Савол:** Кўрсатувларингиз терговчи томонидан компьютер техника воситасида расмийлаштирилишига қарши эмасмисиз? Ёки ўз кўрсатувларингизни ўзингиз ёзиб беришни хоҳлайсизми?

**Жавоб:** Кўрсатувларим терговчи томонидан компьютер техника воситаси ёрдамида расмийлаштирилишини хоҳлайман.

**Айбланувчи _____________ Ж.Д. Абдраманов**

**Савол:** Кўрсатувларингизни ўзбек тилининг қайси алифбосида, яъни лотин ёки кирилл алифбосида ёзиб борилишини хоҳлайсиз?

**Жавоб:** Кўрсатувларимни ўзбек тилининг кирилл алифбосида ёзиб борилишини хоҳлайман.

**Айбланувчи _____________ Ж.Д. Абдраманов**

**Савол:** Айтинг-чи, Сиз ҳимоячингиз билан холи учрашдингизми?

**Жавоб:** Мен ўзимнинг ҳимоячим билан холи учрашдим.

**Айбланувчи _____________ Ж.Д. Абдраманов**

**<u>Берилган саволларга айбланувчи қуйидагиларни кўрсатди</u>:**

Мен юқорида кўрсатилган манзилда оилам билан бирга яшайман, нарко ва руҳий диспансерларда рўйхатда турмайман.

Мен тахминан охирги 10 йил давомида асосан Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Туркия давлатларида қурилиш ва кийим тикиш корхоналарида оддий ишчи бўлиб ишлаб келганман.

Шунингдек, мен тахминан 2021 йилдан буён “TikTok” платформаси, “Whatsapp” ва “Telegram” мессенджерларидан фойдаланиб келаман. “TikTok” платформасида ўзим учун “qareken_jetkerbay” номли профилимни расмийлаштириб очиб олганман. Ушбу ижтимоий тармоқларга ўзимнинг фойдаланувимдаги "Tecno Spark Model K17" русумли уяли алоқа воситаси орқали кириб келганман.

Булардан ташқари мен “Facebook” ва “Instagram” ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб келаман. Ушбу ижтимоий тармоқлардан 1 йил давомида фойдаланиб келганман.

Мен “TikTok” платформасида ўзим учун “qareken_jetkerbay” номли профилимни тахминан 2023 йилда очиб олганман ва унга турли видео ва фото материлларни жойлаштириб келганман.

Ушбу видео ва фото материалларда ватанпарварлик рухида, яъни асосий қорақалпоқ тилини ривожлантириш, қорақалпоқ миллий урф-одатларимизни сақлаб қолиш ва Қорақалпоғситон Республикасига бўлган ватанпарварлик туйғусини аҳоли ўртасида уйғатиш ғояси мавжуд эди.

Шу билан бирга, аниқланган видео ва фото материлларда 2022 йил 1 ва 2 июль кунлари Нукус шаҳрида бўлиб ўтган оммавий тартибсизликлар ташкилотчиларидан бири деб топилган фуқаро Даулетмурат Таджимуратовнинг омма олдида чиқиши ва ижтимоий тармоқлар орқали

халққа мурожаатлари акс этган видеоматериаллар ҳам бор эди. Уларни ўзимнинг профилимга жойлаштиришимдан мақсад, ўз абуначиларимнинг сонини ва улардан қўллаб-қувватлашларни, яъни “Like” йиғиш бўлган. Бошқа ғаразли ниятларим бўлмаган ва уларни ноқонуний деб ўйламаганман.

Ушбу материалларни ўзимнинг профилимга жойлаштиришимга хеч ким сабабчи бўлмаган, яъни хеч ким менга уларни жойлаштиришим ҳақида кўрсатма бермаган ва бунинг учун хеч қандай моддий ёрдам олмаганман.

Мен 2021 йилда чет элга чиқиб кетган вақтимдан буён бир маротаба бўлса ҳам уйга қайтиб келмаганман ва “TikTok” платформасидаги “qareken_jetkerbay” номли профилимни Ўзбекистон Республикаси ташқарисида юритганман.

2022 йил июль ойида “Нукус воқеалари” содир бўлди. Мен бу вақтда Қозоғистон Республикаси Олмата шаҳрида эдим ва мен Ўзбекистон Республикасининг Янги Конституциясига Қорақалпоғистон Республикаси билан боғлиқ моддаларга ўзгартириш киритилишига қарши тўғрисида варақалар тарқатиб бошладим.

Лекин, 2023 йил февраль ойида мен Қозоғистон Республикасида вақтинчалик бўлиш муддатини бузганлигим сабабли, мени Қозоғистондан чиқариб юборишди ва мен Қирғизистонга чиқиб кетдим. Бунга сабаб, шу вақтга келиб мен “Алға, Қарақалпақстан” номли гуруҳнинг етакчиси хисобланган Аман Сагидуллаев исмли шахс “Telegram” мессенджери орқали менга қўнғироқ қилиб, Ўзбекистонга қайтишим керак эмаслигини, агар қайтиб борсам мени қамаб ташлашини айтган. Шу сабабли мен Қирғизистонга чиқиб кетганман. А.Сагидуллаевнинг ўзи биринчи бўлиб менга алоқага чиққан эди. Тахминан бир ярим ойдан сўнг Қирғизистонда бўлиш муддатим тугади ва мен Туркияга учиб кетдим.

Шу орада, мен Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни мухофаза қилувчи орган ходимлари менинг профилимни ва ундаги материалларни кўздан кечириб, менга нисбатан жиноят иши қўзғатган экан. Бу вақтда мен Туркия давлати Стамбул шаҳрида қурилиш ишларида ишлаб юрган эдим. Шу вақтда, менинг онам Жиенбаева Бибираба Кошекбаевна “Telegram” мессенджери орқали мен қидирувда эканлигимни айтган. Ундан олдин менга хеч ким бу ҳақида айтишмаган эди.

Шундан сўнг, мен Ўзбекистонга қайтишга қўриқдим, сабаби менга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 159 ва $244^1$-моддалари билан айб қўйилган экан ва мени қамаб ташлашади деб ўйлаганман.

Мен Туркия давлатида юрган вақтимда, мен қидирувда эканлигимни билиб, “Telegram” мессенджери ва “Facebook” ижтимоий тармоқлари орқали Аман Сагидуллаев, Зиуар Мамбетмуратова, “Тома” номли тахаллуси билан танилган Тилеубике Юлдашева ҳамда Қошқарбай Торемуратовлар менга алоқага чиқишди. Улар менга Туркия давлатидан сиёсий бошпана сўрашимни маслаҳат бериб келишди, аммо мен Туркия давлатидан хеч қачон сиёсий бошпана сўрамаганман.. Бунга сабаб, мен қидирувда бўлганлигим сабабли, мени Туркия хукумати Ўзбекистонга қайтариб юборишларидан хавотирда бўлганман.

**Савол:** “Белсендилер” номли виртуал гуруҳида асосан нималар ҳақида



Мен Туркия давлатида ноқуний тарзда бўлиб юрганлигим учун тез орада чиқиб кетишим керак бўлди ва мен Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай амирлигига ишлаш учун боришга қарор қилдим ва 2023 йил 02 декабрь куни мен Дубайга етиб келдим. Аммо, мен Дубайда иш топа олмаганлигим учун тахминан 13 кундан сўнг Россия Федерацияси Москва шаҳрига самолёт орқали учиб кетганман. Мен Москва шаҳридаги “Внукова” номли аэропортга қўнганимда РФ ҲМҚО ходимлари томонидан ушланиб, таҳминан ярим соат давомида сўроқ қилиндим ва кейин мени қўйиб юборишди.

Шундан сўнг, мен “Telegram” мессенджеридаги “Белсендилер” номли виртуал гуруҳига кириб, ундаги абуначилар, яъни Зиуар Мамбетмуратова, Тилеубике Юлдашева, Қошқарбай Торемуратов ва Қарлибай Бекмуратовларга мен РФда қидирувда эмаслигимни айтдим. Шудан сўнг, улар бу холатни ижобий қабул қилишди.

Сўнг, кўнглим хотиржам бўлганлиги сабабли, мен ишлаш мақсадида РФнинг Мурмонск шаҳрига бормоқчи бўлдим ва шу мақсадда мен Москва шаҳридаги “Шереметева” номли аэропортга бордим. Лекин, мени ушбу аэропортда РФ ҲМҚО ходимлари яна ушлаб олишди. Аммо, мен 48 соатдан сўнг, яъни икки суткадан сўнг яна қўйиб юборишди. Кейин мен такси орқали Мурмонск шаҳрига жўнаб кетдим. Шу вақтда мен З.Мамбетмуратова билан мулоқатда бўлдим ва ундан қарзга пул сўраб турдим. Аммо, у менга хеч қанча пул бермади.

Мен Мурмонск шаҳрига етиб келиб, меҳмонхонага жойлашганимда, РФ ҲМҚО ходимлари мени яна икки кун давомида ушлаб туришди. Икки кундан сўнг мени қўйиб юборишди, аммо кейин РФ ФХХ ходимлари мени ўзи билан олиб кетишди ва Москвага самолёт орқали учириб юборишди. Мен Москва шаҳридаги “Домодедова” номли аэропортга етиб келдим ва таҳминан ярим соатдан сўнг мени Ўзбекистонга учириб юборишди.

Хозирда қилган ишларимдан жуда пушаймонман, юқорида айтилиб ўтилган материаллар ноқонуний эканлигини билмаганман. Менда хеч қандай ғаразли ниятлар бўлмаганман.

**Савол:** Сиз юқорида Қорақалпоғистон Республикасига нисбатан ватанпарварлик хисини туйишингизни айтгансиз. Айтинг-чи, Сиз Ўзбекистон Республикасига нисбатан қандай кўз қарашдасиз?

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасига хеч қандай эътирозим йўқ ва ўз Ватаним деб биламан.

**Савол:** Сиз юқорида “Telegram” мессенджерида “Белсендилер” номли виртуал гуруҳига аъзо эканлигингизни айтгансиз. Ушбу гуруҳ ҳақида айтиб берсангиз?

**Жавоб:** Ушбу “Белсендилер” номли виртуал гуруҳига мени Қошқарбай Торемуратов 2023 йил декабрь ойида қўшиб қўйган. Мен ушбу гуруҳ ҳақида хабарим йўқ эди. Ушбу гуруҳга Зиуар Мамбетмуратова, Тилеубике Юлдашева, Қошқарбай Торемуратов ва Қарлибай Бекмуратовлар ҳамда менга нотаниш бўлган “Азиз” исмли шахс аъзо бўлишган. Менинг билишимча, “Азиз” исмли шахс бугунги кунда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида истиқомат қилади. Лекин, мен уни яхши танимайман ва у билан мулоқат қилмаганман.

**Савол:** "Белсендилер" номли виртуал гуруҳида асосан нималар ҳақида ёзишиб сухбатлашгансизлар?

**Жавоб:** Ушбу гуруҳга Қ.Торемуратов ЕҲХТда иштирок этиб, сўзга чиққан фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукуматидан норози эканлиги ва уларнинг ҳуқуқлари бузулаётганлиги ҳақида гапирган гаплари акс этган видео материалларни жойлаштириб келган. Шу билан бирга, мен ҳам Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда октябрь ойида бўлиб ўтган сайловларни байкод қилиш тўғрисидаги текст кўринишидаги ёзувларни кўчириб ушбу гуруҳга жойлаштирганман. Ушбу текст қорақалпоқ тилида эди. Лекин, ушбу текстни қаердан кўчириб олганлигим эсимда йўқ. Ушбу текстни мазкур гуруҳга юборишдан мақсад, аъзоларнинг фикрини билмоқчи эдим ва улар ушбу текст мазмунини ижобий қабул қилишди.

Шуни қўшимча қилмоқчиман-ки, мен Қ.Торемуратов орқали Айзада Нуримбетова исмли шасх билан билан танишганман ва у билан мулоқат қилиб келганман. У мени асосан насроний динига чақирган ва шундан сўнг Стамбул шаҳрида насроний динининг муққаддас китоби бўлган "Инжил"нинг қорақалпоқ тилида чоп этилган китобини олдим.

Юқоридаги айтилиб ўтилган шахсларнинг барчаси А.Сагидуллаевга қарши бўлган шахслар хисобланади.

**Савол:** Айтинг-чи, кўрсатувларингизга қўшимча ва терговга билдирадиган бошқа фикрларингиз борми?

**Жавоб:** Менинг ҳозирча қўшимча ва фикрларим йўқ.

**Савол:** Айтинг-чи, кўрсатувларингизга қўшимча ва терговга билдирадиган бошқа фикрларингиз борми?

**Жавоб:** Менинг ҳозирча қўшимча ва фикрларим йўқ.

**Савол:** Айтинг-чи, Сиз кўрсатувларингизни ўз хоҳишингиз билан бердингизми, Сизга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилдими?

**Жавоб:** Мен кўрсатувларимни ўз хоҳишим билан бердим. Менга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилмади.

**Савол:** Айтинг-чи, сўроқни якунланишига муносабатингиз қандай?

**Жавоб:** Менинг сўроқни якунланишига эътирозим йўқ.

Сорау баянламасы менен танысып шықтым хәм ол мениң сөзлерим менен дурыс жазылған. Оннан басқа қосымшаларым жоқ.

**Айбланувчи** **Ж.Д. Абдраманов**

**Ҳимоячи:** **У. Давлатов**

*Сўроқ қилиб ушбу баённомани туздим:*

**ДХХ Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси Тергов бўлими терговчиси адлия катта лейтенанти** **О.Ж. Кдырбаев**

QОП 5.10(7.8)-Ф1 (6)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ**
**Х. СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ**
**РЕСПУБЛИКА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ МАРКАЗИ**

*Манзил: 100105, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси 46.*
*Телефон: 71 209 11 55, 71 209 01 42*

**ТИЛХАТ**

**Биз, давлат суд экспертлари: О.Мусаев ва Н.Нишановага Республика суд экспертизаси марказ директори томонидан суд-лингвистика экспертизасини ўтказиш топширилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 68-моддасига биноан ҳуқуқ ва бурчлар тушунтирилди. Била туриб ёлғон хулоса берганлик, тергов маълумотларини ошкора қилиш, хулоса беришдан бош тортиш ёки бўйин товлаш учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-240-моддалари бўйича жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилдим.**

2023 йил "13" сентябрь

(имзолар)

# КОМПЛЕКС СУД-СИЁСАТШУНОСЛИК ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАСИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ СУД ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ ХУЛОСАСИ

29/11(8673) 26.Z 14754

*Қорақолпоғистон Республикаси ИИВдан 11.09.2023 йилда №6-сон билан рўйхатдан ўтган ҳужжатлар бўйича 2023 йил 06 октябрь куни тузилди.*

2023 йил 13 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги РСЭМга Ўзбекистон Республикаси ИИБ ТКД ТҚКХ ЎМИБ тезкор вакили подполковник Б.А.Абдуллаев томонидан 2023 йил 11 сентябрь куни чиқарилган суд-сиёсатшунос-лингвистик экспертизаси тайинлаш ҳақидаги қарори билан иш материаллари: Ах4 форматли қоғозда, 29 (йигрма тўққиз) варақда қорқақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилинган материаллар ҳамда 1 (бир) дона "Leadisk A⁺ LEADER DISK RW 16x DVD+R | 4.7 GB /120 MIN" русумли дискка кўчирилган ҳолда тақдим этилди.

Эксперт олдига қуйидаги саволлар қуйилган:

"- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги тадбиқ этилган давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга, қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга, Ўзбекистон Республикасининг худудий яхлитлигини конституцияга хилоф тарзда бузишга қаратилган чақирувчи даъватлар мавжудми?

- ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган даъват қилувчи чақириқлар мавжудми?

- Экстремизм ва сепаратисм ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этилиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чақиришга қаратилган маълумотлар мавжудми?

- Ўзбекистон Республикаси Президентини хақоратлаш, обрўсизлантириш ёки унга туҳмат қилиш аломатлари мавжудми?

- Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи маълумотлар мавжудми?

- тақиқланган жамоат бирлашмалари ва сепаратистик ташкилотларни тузиш, уларнинг фаолиятини тиклаш, шу ташкилотлар фаолиятида қатнашиш, қатнашишга ундаш аломатлари мавжудми?

- экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш белгилари мавжудми?

-фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатиш ғоялари мавжудми?

- жамиятдаги ижтимоий-сиёсий хавфсизликка қарши қаратилган даъват, чақирик ва тарғиб қилувчи ғоялар мавжудми?

- шахснинг қадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишга олиб келадиган ёлғон ахборотлар мавжудми?"

Экспертизани ўтказиш Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази ҲКЭ лабораторияси давлат суд экспертлари: 44.1 "Суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертиза"си мутахассислиги бўйича малакага ва шу мутахассислик бўйича 2019 йилдан иш тажрибасига эга (Х. Сулаймонова номидаги РСЭМ эксперт малака комиссиясининг 2021 йил 21 декабрдаги қарорига асосан берилган давлат суд эксперти гувоҳномаси АВ №-27) бўлган **Нишанова Нигора Батировна** (филолог), 2019 йилдан иш тажрибасига эга (2020 йилдан иш тажрибасига эга (Х. Сулаймонова номидаги РСЭМ эксперт малака комиссиясининг 2020 йил 28 августдаги қарорига асосан берилган давлат суд эксперти гувоҳномаси АВ №-11) бўлган **Мусаев Одил Раҳматович** (сиёсатшунос, фалсафа фанлари докотори, профессор, (DSc) зиммасига топширилди.

Тадқиқот олиб борилган материал «РСЭМ» муҳри билан белгиланди.

Изох: *1.Суд экспертига тадқиқот учун тақдим этилган текшириш объектлари, таққословчи материаллар, маълумотларнинг ишончлилиги учун суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) жавоб беради (Суд экспертиза тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМнинг 14-банди (10.04.2023 йил, рўйхат рақами ВМҚ 72-сон) ва ISO/IEC 17025:2017 халқаро стандартининг талабига кўра ишлаб чиқилган Марказ сифат бўйича қўлланмасининг (ҚРСМ) 7.8.2.2 бандига мувофиқ).*

*2.Тақдим этилган ашёвий далиллар ва текширув объектларини усул бўйича текширишда қўлланилган ўлчов воситалари ва техник жиҳозлар тасдиқланган йиллик режа асосида мунтазам метрологик текширувлардан (калибровка ва поверка) ўтказилиб сертификатлаштирилган(6).*

*3.Экспертизага тақдим этилган аудиовидеоматериаллар стенограммаси иш тайинлаган органнинг 2023 йил 11 сентябрь куни Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Қорақалпоқ тили кафедраси филолгия фанлари бўйича фалсафа доктори катта ўқитувчиси Опаева Райгул Аймановнани иш бўйича таржимон деб эътироф қилиш лозимлиги ҳақида чиқарилган қарорга асосан жалб қилиниб таржима матнига кўра тузилди.*

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Кодекслари тўплами. – Тошкент: "Адолат", 2023.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 апрелдаги 72-сон қарори билан тасдиқланган "Суд экспертиза тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом.

5. 7. Толковый словарь русского языка Ефремовой 2012 й.

6. QОП 5.10(7.8) (4) Представление отчтетов о результатах, Марказ директори томонидан 31.05.2023 йилда тасдиқланган.

7. QОП 5.6 (6.5) (3) Метрологическая прослеживаемость, Марказ директори томонидан 31.05.2023 йилда тасдиқланган

8. Нутқ маданияти ва услубият асослари (http://kutubxona.adu.uz/kutubxona/qungurovbegmatovnutqmadaniyativauslubiyatasoslaripdf).

9. Толковый словар Ожегова-Словари и Энциклопедии (yendic.ru/ozhegov/SNesterik-39605.html).

10. Ушаков Д.Н. Толковый словарь русского языка. М., «Словарное издательство ЭТС», 2000. Современный толковый словарь русского языка. СПб., Норинт, 2003.

11. Бегматов Э., Мадвалиев А., Махкамов Н., Мирзаев Т., Тухлиев Н., Умаров Э. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси.–2008 й.

12. Суд-лингвистика экспертизаси. Экспертлар учун қўлланма. Тошкент ш.2019 й.

13. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. – Тошкент, 2014.

14. Суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси. Экспертлар учун услубий қўлланма. – Тошкент, 2015.

**Қўлланилган асбоб-ускуналар**

1."Dell" русумли персонал компьютер жамламаси.

2. "CanoScan Flatbed Scanners - LiDE 100 - Canon" русумли сканер (нусха кўчириш қурилмаси).

3."LITE-ON Technologhy Corp. DVD/CD REWRIABLE DRIVE" русумли дисковод (диск кўчириш қурилмаси).

4.«гlроо HI20 USB Stereo headset |Casque stereo USB | USB-Stereo-Headset» русумли махсус динамик қулоқ эшитиш мосламаси.

**1. Кўздан кечириш тадқиқоти:**

Экспертиза ўтказиш учун тақдим этилган: Ах4 форматли қоғозда, 29 (йигирма тўққиз) варақда қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилинган материаллар тасдиқланган ҳолда ҳамда 1 (бир) дона "Leadisk A⁺ LEADER DISK RW 16x DVD+R │4.7 GB /120 MIN" русумли диск типографик усулда ясалган конвертда қадоқланган шаклда тақдим этилди. Конвертнинг олд қисмида "*Интернетнинг "TikTok" платформасида "qareken_jetkerbay" профил эгаси томонидан жойлаштирилган видео ва аудио файллар кўчирилиб олинган 1(бир) дона диск холислар: (имзо) 1) Б.О.Тогимбаев, (имзо) 2) И.З.Бекимбетова, мутахассис: (имзо) А.Сапарбаев Бошқарма ЎМИБ тезкор вакили подполковник (имзо) Б.А.Абдуллаев*" ёзувлар акс этган. Конвертнинг орқа қисми икки томонининг кесишган тарафларида, кўк рангли сиёҳда, думалоқ шаклдаги "**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV TEZKOR-QIDIRUV DEPARTAMENTI TERRORIZMGA QARSHI KURASHISH XIZMATI OROLBO'Y MINTAQASIDA EKSTREMIZIMGA QARSHI KURASHISH BOSHQARMASI**" ёзувли 2 дона муҳр излари мавжуд.

Тақдим этилган 1 (бир) дона дискда “VID_20230906_082619_235” (0:00:15), “VID_20230906_082708_306” (0:00:14), “VID_20230906_082716_644” (02:28), “VID_20230906_082722_568” (01:03), “VID_20230906_082728_825” (0:00:36), “VID_20230906_082736_543” (02:434), “VID_20230906_082744_274” (04:26), “VID_20230906_082756_661” (0:00:15), “VID_20230906_082815_850” (0:00:46), “VID_20230906_082835_301” (01:41), “VID_20230906_082841_954” (0:00:29), “VID_20230906_082854_982” (01:12), “VID_20230906_082931_577” (03:20), “VID_20230906_082944_521” (02:39), “VID_20230906_083058_878” (05:04), “VID_20230906_083109_250” (09:48), “VID_20230906_083125_719” (0:00:11), “VID_20230906_083137_356” (02:08), “VID_20230906_083143_691” (01:19), “VID_20230906_083150_352” (02:50), “VID_20230906_083157_473” (02:50), “VID_20230906_083235_763” (05:00), “VID_20230906_083247_586” (02:31), номли видеоматериаллар тақдим этилган.

## 2.Лингвистик таҳлил.

2.1. Тақдим этилган объектларни текширишда - матн таҳлили (контент анализ), қиёсий тизимли таҳлил, матннинг лексик-семантик таркибини тадқиқот қилиш услуби, экспрессив баҳолаш таҳлили, нутқнинг коммуникатив таҳлилий услублари орқали текширилди.

Тақдим этилган материалларни ўрганишлик ва лингвистик таҳлил қилиш натижасида қуйидагилар маълум бўлди:

Текшириш учун тақдим этилган объектлар ўзбек ва қорақалпоқ тилининг сўзлашув услубида, маҳаллий шевасида, шахсий, салбий ҳамда норозилик кайфиятидаги мурожаат тарзида ифодаланган

Тадқиқот учун тақдим этилган “TikTok” интернет ижтимоий тармоғининг “qareken_jetkerbay” профили фойдаланувчиси томонидан жойланган “VID_20230906_082619_235” (0:00:15) номли видеоматериалнинг қорқақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилинган стенограммаси:

| | |
|---|---|
| *“Сатқын болып арсыз болып тири жүргеннен жақсы адам болып өлген жақсы”* | *“**Сотқин** бўлиб **беномус** бўлиб тирик юргандан яхши одам бўлиб ўлган яхши”* |

“**сотқин**” – “ўз виждонини сотиб, қарши томонга ўтган; сотилган, хоин”;

“**беномус**” – “Шарм-ҳаё билан иш тутмайдиган, шарм-ҳаёсиз, ор-номуссиз, уятсиз” тақдим этилган материалда шудай сифатли инсон бўлгандан ўлган авзаллиги айтилган

Тадқиқот учун тақдим этилган “TikTok” интернет ижтимоий тармоғининг “qareken_jetkerbay” профили фойдаланувчиси томонидан жойланган “VID_20230906_082708_306” (0:00:14) номли видеоматериалнинг қорқақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилинган стенограммаси:

| | |
|---|---|
| *“Бүгунгидей болып мени жәнe қамайтын болса онда бәлким басқа гәп, сизлер мени қаматпаў сизлердиң қолыңызда, сизлердиң талапларыңызды орынлаў мениң мойнымда”* | *“Бугунгидай бўлиб мени яна қамайдиган бўлса унда балким бошқа гап, сизлар мени **қаматмаслик** сизларнинг **қўлингизда,** сизларнинг **талабларингизни бажариш менинг**”* |

Тадқиқот учун тақдим этилган “TikTok” интернет ижтимоий тармоғининг “qareken_jetkerbay” профили фойдаланувчиси томонидан жойланган

“VID_20230906_082722_568” (01:03) номли видеоматериалнинг қорқақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилинган стенограммаси:

| | |
|---|---|
| *“Биз қасқырмыз, қасқыр минез қәрекең,<br>Концерт қойып копшик қойма биздерге,<br>Кеше өлди, өлди мениң достарым,<br>Өлим кетти қаншама ағаларым,<br>Аза тутып отырғанда халқымыз<br>Концерт берип байрамдады, байрамдады өз достарым,<br>Бир садақа бералмады үкимет,<br>Концерт қойып мәсирдиғой үкимет,<br>Шийит кеткен достарымның руўхына<br>Бир жандық сойып бералмады үкимет.<br>Алла бар аспанда қарап турған<br>Сендер ушын дозақтан Алланың өзи очередь алып қойған,<br>Эй Аллахым қол жаямын өзиңе,<br>Бир шындықты айтып берши биздерге,<br>Достарымды өлтирген салдаттар неге жасап жүр бул өмирде,<br>Бир емес он сегиз адам шийит кетти бул өмирден,<br>Шындық сорап шыққан қарақалпақ халқымды қамадығой, өлтирдиғой үкимет,<br>Өлгендерге жаўап берсин биздерге<br>Қамалғандар шығарылсын түрмеден,<br>Сонда әдилдик болар биз қарақалпақ елинде.”* | *“Биз қашқирмиз, қашқир феълли қарекенг,<br>Концерт қўйиб **пахта қўйма** бизларга,<br>Кеча ўлди, ўлди менинг дўстларим,<br>Ўлим кетди қанча оғаларим,<br>Аза тутиб ўтирганда халқимиз<br>Концерт бериб байрам қилди, байрам қилди ўз дўстларим,<br>Бир садақа беролмади ҳукумат,<br>Концерт қўйиб кайфи-сафо қилди ҳукумат,<br>Шахид кетган дўстларимнинг рухига<br>Бир қўй сўйиб беролмади ҳукумат.<br>Оллох бор осмонда қараб турган<br>Сенлар учун дўзахдан Оллохнинг ўзи очередь олиб қўйган,<br>Эй Оллохим қўл очаман ўзингга,<br>Бир ҳақиқатни айтиб берингчи бизларга,<br>Дўстларимни ўлдирган солдатлар нега яшаб юрибди бу ҳаётда,<br>Битта эмас ўн саккиз одам шахид кетди бу ҳаётдан,<br>Ҳақиқат сўраб чиқган қорақалпоқ халқимни қамашдику, ўлдирдику ҳукумат,<br>Ўлганларга жавоб берсин бизларга<br>Қамалганлар чиқарилсин турмадан,<br>Шунда адолат бўлар биз қорақалпоқ элида”* |

Тадқиқот учун тақдим этилган “TikTok” интернет ижтимоий тармоғининг “qareken_jetkerbay” профили фойдаланувчиси томонидан жойланган (01:03), “VID_20230906_082728_825” (0:00:36) номли видеоматериалнинг қорқақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилинган стенограммаси:

| | |
|---|---|
| *“Сатқын болып арсыз болып тири жүргеннен жақсы адам болып өлген жақсы... Ал көп адамлар өлип атырыптыго қырып атырго, ал телевизордан 2 июль күни Өзбекстанда герби қабыл етилген күн деп байрам болып атырыпты”* | *“**Сотқин бўлиб беномус** бўлиб тирик юргандан яхши одам бўлиб ўлган яхши... Мана кўплар ўляпдику, қириб ётибдику, телевизордан эса 2-июль кунида Ўзбекстонда гербни қабул қилинган кун деб байрам бўлиб ётибди”* |

Тадқиқот учун тақдим этилган “TikTok” интернет ижтимоий тармоғининг “qareken_jetkerbay” профили фойдаланувчиси томонидан жойланган (01:03), “VID_20230906_082931_577” (03:20) номли видеоматериалнинг қорқақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилинган стенограммаси:

| | |
|---|---|
| *“КУШ БИРЛИКТЕ, КАРАКАЛПАКСТАН ХАЛКЫМ УСЫ ВИДЕОГЫ ТАРКАТЫН.<br>Хурметли Караклпакстан бийлери,<br>Мурат Камалов хам баскада бийликте* | *“КУЧ БИРЛИКДА, ҚАРАҚАЛПАҚСТАН ХАЛҚИМ УШБУ ВИДЕОНИ ТАРҚАТИНГ. Ҳурматли Қорақалпоғистон беклари, Мурат* |

| | |
|---|---|
| *отырган Каракалпак ага жигитлери, Каракалпак ер заматларына айтатугыным, Каракалпакстаннын тереториясын сызып берди, каным токти, стан алып берди Аллаяр Досназаров, онын изин дауам етип Каракалпакстан суверенитетлик Республиканы инам етип, Даулетбай Шамшетов колынызга шайнап берип суверинтетти берип жолды корсетип кетти, енди Каракалпактын куни не болады суверенитети алып тасласа, Каракалпакстан областка айланса, Каракалпакстан халкынын болашагы не болмак, суу жок, каракалпак миллети саны азаймакта, гимннин куши жок, гербтин куши жок, флагтын куши жок, Конституциянын куши жок, мына декларациянын куши жок, сонда Каракалпакстанды калай Озбекистан Республикасына тагыда исенип бирге боламыз деп айта аламыз, халыкты калай келешегин Озбекистан Республикасына исенип тапсыра аламыз, олар суверенитетти жок кылды халыктын санын аз кылды, Амударьяны жок кылды, Сырдарьяны жок кылды, Арал тенизин жок кылды, енди калып турган еки миллионга жетер жетпес халык пенен Каракалпакстаннын станы хам суверенитетин оныда жок кылса биз дийуана боламыз, Уйгырларда жер жок, Дунганларда жер жок, Каракалпакстан халкы сиз ана жерден айрылмакшысыз, хамме жатпай оз жеринизди коргап талап етиуинизди мен тилеп калар едим, керек болса жанымды бериуге таярман, биз каракалпакстаннын агаларына апаларына уйиндеги жасы улкенлерге отинип сорайман каракалпактын жерин корган, ар кайда намыс кайда каракалпак халкы кайда коргау ушын ар хам намысынызды сатпай каракалпактын жери ушын ертен наразылыгынызды билдирип айтып мына бланкилерди толтырып тапсырын, Озбекистан халкы путкил каракалпакстан халкын кырып таслай алмайды, коркпан халкым, жер ушын жан пида, жер кетсе биз хеш ким емеспиз, каракалпак болашагы бизде дийкана ел болып кетемиз туснесизбе, сондада 30 жыл диуана болдыныз,* | *Камалов ва бошқа тепада ўтирган Қорақалпоқ оға йигитлари, Қорақалпоқ азаматларига айтадиганим шуки, Қорақалпоғистоннинг территориясини чизиб берди, стан олиб берди Аллаяр Досназаров, унинг йўлини давом этиб, Қорақалпоғистон суверен республикасини инъом этиб, Даулетбай Шамшетов қўлингизга чайнаб бериб суверенитетни бериб йўлни кўрсатиб кетди, энди Қорақалпоқнинг куни не бўлади, суверенитетни олиб ташласа, Қорақалпоғистон вилоятга айланса, Қорақалпоғистон халқининг келажаги не бўлмоқ, сув йўқ, қорақалпоқ миллати сони камаймоқда, гимннинг кучи йўқ, Конституциянинг кучи йўқ, мана бу декларациянинг кучи йўқ, шунда Қорақалпоғистонни қандай қилиб Ўзбекистон Республикасига яна хам ишониб бирга бўламиз деб айтиш мумкин? халқнинг келажагини қандай қилиб Ўзбекистон Республикасига ишониб топшириш мумкин? улар суверенитетни йўқ қилди, халқнинг сонини камайтирди, Амударёни йўқ қилди, Сирдарёни йўқ қилди, Орол денгизини йўқ қилди, энди қолиб турган икки миллионга етар-етмас халқ билан Қорақалпоғистоннинг стани ва суверенитетини йўқ қилса биз гадой бўламиз. Уйгурларда ер йўқ, дунганларда ер йўқ, Қорақалпоғистон халқи сиз она ердан айрилмоқдасиз, хаммангиз ётмасдан, ўз eрингизни ҳимоя қилиб, талаб қилишингизни мен ҳохлардим, керак бўлса, жонимни беришга тайёрман, биз Қорақалпоғистоннинг оғаларига, опаларига, уйидаги ёши улуғларга илтимос қилиб сўрайман қорақалпоқнинг ерини ҳимоя қилинг, ор қани, номус қани қорақалпоқ халқи қани ҳимоя қилиш учун номусингизни сотмасдан қорақалпоқнинг ери учун эртага эътирозингизни билдириб айтиб мана бланкаларни тўлдириб топширинг, Ўзбекистон халқи бутун Қорақалпоғистон халқини кириб ташлай олмайди, қўрқманг халқим, ер учун жон фидо, ер кетса биз ҳеч ким эмасмиз, қорақалпоқ келажаги биз хам деҳқон бўлиб кетамиз тушинябсизми, шунда хам* |

| | |
|---|---|
| *Казакстанда жур кангырып Каракалпакстан, Россияда жур Каракалпакстан, Кореяда жур Каракалпакстан, мине 30 жылда бизлер усыдан баска хеш нарсе коре алмадык, извиняюсь Шавкат Мирамановичˮ* | *30 йил мусофир бўлдингиз, Қозоғистонда юрибди сарсон бўлиб Қорақалпоғистон, Россияда юрибди Қорақалпоғистон, Кореяда юрибди Қорақалпоғистон мана 30 йилда бизлар ўшандан бошқа хеч нарсани кўрмадик, извиняюсь Шавкат Миромоновичˮ* |

Тадқиқот учун тақдим этилган “TikTok” интернет ижтимоий тармоғининг “qareken_jetkerbay” профили фойдаланувчиси томонидан жойланган (01:03), “VID_20230906_082944_521” (02:39) номли видеоматериалнинг қорқақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилинган стенограммаси:

| | |
|---|---|
| *“Бизлердин болинип шыгыу хукукымызга неге баска уалаятлар дауыс берер екен, кай жерде жазылган бул нызам, хеш жерде жазылган жок, бизлер озлеримиздин тагдиримизди озлеримиз шешиуимиз керек, баска уалаялар дауыс бермесин, араласпасын бизлерге ташкентлер, бизлер Озбекистан менен тендей хукукка ийемиз, бир нарсени ойлау керек пукаралыгымыз бир, пул бирлигимиз бир, нызамларымыз бир, Конституция бир, лауазымлардам озбекистан сайлайтын болып кетти, бир кишкентай лауазым болсада Озбекистан коятын болып кетти, солар жетпейме мынауыныз артыкша, мына харекет артыкша, бизлердин депутатлар егер журегинизде ар намысыныз болса кетинизлер, халыктын козине коринбен, менин жеке пикирим бул, енди биз не кылыуымыз керек, керисинше Каракалпакстан Республикасы Жокаргы Кенеси баслыгы деген статус емес Президент деген статусты орнатыуымыз керек, ол куракум болдыма мине енди баслауымыз керек, Президентимизди койыуымыз керек, ямаса Мурат Каллибекович болатын болса оны Президент деген статусты койыуымыз керек, бурынгыдай парман кылыуымыз керек, ал Конституция орынланыуы керекпа орынланыуы керек, 75-статьясындагыдай Озбекистан менен Караклпакстан ортасында шартнама болыуы керек, пукаралык статуспа пукаралык статусты орнатайык, паспорт алайык нызамлы турде, Кодекслеримиз болсын озлеримиздин, себеби нызамда сойтип* | *“Бизларнинг алоҳида чиқиш ваколатимизга нега бошқа вилоятлар овоз бериши керак экан, қаерда ёзилган ушбу қонун, хеч қаерда ёзилгани йўқ, бизлар ўзларимизнинг тақдиримизни ўзимиз ҳал қилишимиз керак, бошқа вилоятлар овоз беришмасин, аралашмасин бизларга тошкентликлар, бизлар Ўзбекистон билан тенг хуқуқга эгамиз, бир нарсани ўйлаш керак фуқаролигимиз бир, пул бирлигимиз бир, қонунларимиз бир, Конституция бир, лавозимларни хам Ўзбекистон тайинлайдиган бўлиб кетди, қандайдир кичкина лавозим бўлса хам Ўзбекистон тайинлайдиган бўлиб кетди, шулар етмайдими, мана бу эса ортиқча, мана бу ҳаракат ортиқча, бизларнинг депутатлар агар юрагингизда ор-номусингиз бўлса кетинглар, халқнинг кўзига кўринманглар, менинг шахсий фикрим бу, энди биз нима қилишимиз керак, аксинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши раиси деган статус эмас Президент деган статусни тайинлашимиз керак, шу даражага етиб келдими мана энди бошлашимиз керак, Президентимизни тайинлашимиз керак, ёки Мурат Каллибекович бўладиган бўлса уни Президент деган статусни қабул қилишимиз керак, аввалгидек фармон қилишимиз керак, Конституция бажарилиши керакми бажарилиши керак, 75-моддадагидек Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон ўртасида шартнома бўлиши керак, фуқаролик статусми фуқаралик статусни қабул қилайлик, паспорт олайлик қонуний* |

| | |
|---|---|
| *жазылганго Конституцияда жазылганго, шартнама менен бер шартнама дузейик Озбекистан менен, 5-жылгама, 7-жылгама якшы Президент сайлау 7-жылга болатын болса бизлерде 7-жылга шартнама дузейик Озбекистан менен еки мамлекет шартнама дузсин салтанатлы турде белгилесин жети жыл татыу жасайык жети жылдан кейин бизлерге рухсатты берин, ане адиллик деген, хулласы коп сойлеп жибердим хурметли калайык, себеби бул манда миллет ары турыпты, сол себепли хазирги видеоны толык кориуинизди хам озлеринизди пикиринизди билдириуинизди сорайман, дыккатларыныз ушын рахмет"* | *равишда, Кодексларимиз бўлсин ўзларимизнинг, чунки қонунда шундай этиб ёзиб қуйилганку Конституцияда ёзилганку, шартнома билан бир шартнома тузайлик Ўзбекистон билан, 5-йилгами, 7-йилгами хўп Президент сайлови 7-йилга бўладиган бўлса бизларда 7-йилга шартнома тузайлик Ўзбекистон билан икки давлат шартнома тузишсин тантанали равишда нишонласинлар етти йил тотув яшайлик етти йилдан кейин бизларга рухсат беринг, ана адолат дегани шу, хуллас кўп гапириб юбордим (ҳис-ҳаяжонли гаплар)ҳурматли халойиқ, чунки бу ерда миллат номуси ҳақида гап кетаябди, шу сабабли ҳозирги видеони тўлиқ кўришингиз ва ўзларингизнинг фикрингизни билдиришингизни сўрайман, эътиборингиз учун рахмат"* |

Тадқиқот учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган (01:03), "VID_20230906_083058_878" (05:04) номли видеоматериалнинг қорқақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилинган стенограммаси:

| | |
|---|---|
| *"Ассалау алейкум Караклпак халкы, акыры сонында видео жазыу аркалы муражет етиуге карар еттим, хабарыныз бар каналда корип отырган болсаныз керек конституцияга озгерис киритиу бойынша алып шыгылып атырган усыныс хам амелдеги ислеп турган Конституциянын статьяларында Каракалпакстан еркинлиги хаккында не делинген хаккында хамменизге сол хаккындагы маглыуматларды толык жеткердим, каракалпакша тусиндейтин аудиторияга озбекше ислеп бериу нийетим бар, бирак биринши гезекте макаланы орысша жазып сайтка жайластырдым, енди менин бир усынысым бул амелге асама аспайма билмедим, ертен 5 июль куни Конституцияга озгерис киритиу бойынша пикирлер оз жуумагына жетеди, енди менин коркып турган жерим бизлер адамлар сонша карсы болып, OneID аркалы дизимнен отип, содан дизимнен оте алмай баскада почта аркалы . коныраау етиу аркалы озинин карсылыгын билдирип атыр, бирак соган карамай усынылып атырган* | *"Ассалому алайкум Қорақалпоқ халқи, охир-оқибат видео ёзув орқали мурожаат этишга қарор этдим, хабарингиз бор каналда кўриб ўтирган бўлсангиз керак конституцияга ўзгартириш киритиш бўйича олиб чиқилаётган таклиф ва амалда ишлаб турган Конституциянинг моддаларида Қорақалпогистон озодлиги ҳақида нима дейилгани ҳақида ҳаммангизга шу ҳақида маълумотларни тўлиқ етказдим, қорақалпоқча тушинмайдиган аудиторияга ўзбекча ишлаб бериш ниятим бор, лекин биринчи навбатда мақолани русча ёзиб сайтга жойлаштирдим, энди менинг битта таклифим бу нарса амалга ошадими ошмайдими билмадим, эртага 5 июль кунида Конституцияга ўзгартириш киритиш бўйича фикрлар ўз хулосасини беради, энди менинг қўрқиб турган жойим бизлар одамлар шунчалик карши бўлиб, OneID орқали рўйхатдан ўтиб, шундан рўйхатдан ўта олмай бошқа почта орқали қўнғироқ этиш орқали ўзининг қаршилигини билдириб ётибди, лекин шунга қарамай тақдим* |

| | |
|---|---|
| Конституция кабыл етилип кететин болса, Каракалпакстан Республикасы суверенитлиги жоклыгы, өзинин шегарасын өзи белгилеу, соның ишинде карарларды кабыл етиу деген статья алып таслатын кабыл етилетин болса, алып таслап кабыл ететугын болса Каракалпак халкына бир усынысым бар, олда болса ягный, Конституцияга өзгерис кабыл етиу пикирлерди жыйнау муддети тауысылганнан кейин, Каракалпакстан Республикасы Жокаргы Кенесине барып, Жокаргы Кенесте Каракалпак халкының атынан исеним юилдирип сайлаган депутатларының хаммесин Мурат Камаловтың тиккелей өзинин басшылыгында отставкага кетиуин талап етиу, егер албетте жана жойбардагы Конституция кабыл етилсе, биринши гезекте депутатлар хам Жокаргы Кенес баслыгын отставкасын талап етиу бул бир, екинши Каракалпакстан Республикасында Референдум откериу аркалы каракалпакстан Республикасы Өзбекистан Республикасы аймагынан шыгып кетиу бойынша Референдумды дауыска койыу, бул не дейди каттыга радикальный карар, дурыс бул радикальный бул нарсеге Каракалпак халкы таярма таяр емеспе деген сорау бар биринши наубетте, бирак солай болсада бул нарсени ислеуге харекет етиуге болады, менин хазир бул айтып атырган усынысым, улыума Конституцияга, Конституциялык дузимге Өзбекистан Республикасының пүтинлигине болыуы мумкин, бирак хазирги жойбар менен алып шыгылган хам каракалпак халкының калеуинен сорауынан келип шыкпастан Жокары Кенестин айтыуы бойынша халыктың усынысы бойынша таярланган Конституцияга өзгерис киритиу жойбары бул биринши наубетте хукукбузарлыктың ен улкени болады, себеби каракалпак халкы деп айтып атырган бизлердин хурметли Зухра Реймованың халкы бул реал халык екенине мен исенбеймен, бир мысал келтиремен 2018-жылы мен Өзбекистан Либерал партиясында ислеп журген | этилаётган Конституция қабул қилиниб кетадиган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси суверенитетининг йўқлиги, ўзининг чегарасини ўзи белгилаш, шуни ичида қарорларни қабул қилиш деган модда олиб ташланадиган бўлса, олиб ташлаб қабул қиладиган бўлса Қорақалпоқ халқига таклифим бор, у хам бўлса яъни, Конституцияга ўзгартириш қабул қилиш фикрларини тўплаш муддати тугагандан кейин, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига бориб, Жўқорги Кенгесда Қорақалпоқ халқининг номидан ишонч билдириб тайинланган депутатларининг ҳаммасини Мурат Камаловнинг бевосита ўзининг раҳбарлигида отставкага кетишини талаб қилиш, агар албатта янги лойиҳадаги Конституция қабул қилинса, биринчи навбатда депутатлар хам Жўқорги Кенгес раисини отставкасини талаб этиш бу бир, иккинчи Қорақалпоғистон Республикасида Референдум ўтказиш орқали Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиш бўйича Референдумни овозга қўйиш, бу нима дейди жудаям радикальний қарор, тўғри бу радикальний бу нарсага Қорақалпоқ халқи тайёрми тайёр эмасми деган савол бор биринчи навбатда, лекин шунақа бўлса хам бу нарсани ишлашга ҳаракат қилишга бўлади, менинг ҳозир бу айтаётганим таклифим, умуман Конституцияга, Конституциявий тизимга Ўзбекистон Республикасининг бутунлигига бўлиши мумкин, лекин ҳозирги лойиҳа билан олиб чиқилган ва қорақалпоқ халқининг ҳоҳишидан саволидан келиб чиқмасдан Жўқорги Кенгеснинг айтиши бўйича халқнинг таклифи бўйича тайёрланган Конституцияга ўзгартириш киритиш лойиҳаси бу биринчи навбатда ҳуқуқбузарликнинг энг каттаси бўлади, чунки қорақалпоқ халқи деб айтаётган бизларнинг хурматли Зухра Реймованинг халқи бу реал халқ эканлигига мен ишонмайман, битта мисол келтираман 2018-йилда мен Ўзбекстон Либерал партиясида ишлаб юрган вақтида |

| | |
|---|---|
| уакытында 2018-жылды карап хазир 4-жыл отти карап сол уакытта Президентке Озбекистан Кахраманы деген атакты бериу бойынша "Менинг фикрим" порталына партияга агза болган адамлардын паспортынын атынан ID ашып ягный логин пароль ашып сол жака мен сол Президентимизге Озбекистан Кахраманы сыйлыгын бериу усынысын билдиремен коллап кууатлайман мийнетлери бар деген махинациялык пикир усынyслар жиберген, бул сол уакытта болган 2018-жылда болган нарсе, енди хазир хурметли Зухра Реймованын айтыр атырган Каракалпак халкынын пикир усыныслары делинген жерге мен улыума исенбеймен, себеби 2018-жылда биреудин паспортынын атына усындай пароль ашып, "Менинг фикрим" порталына пикир жибериу мумкиншилиги бар еди хазирдеде бул нарсе жок болып кетти деп ойламайман, халык дегенде кимди назерде тутты, халык бул мен хам маган уксап хазир усы нарсеге Конституцияга озгерис киритиу бойынша жойбарга карсы шыгып атырган мине бул хакыйкый халык Зухра Реймова кайсы халыкты назерде тутты кимнин кашан кай жерде кандай муражетин кабыл етти бул озгерислерди тек Зухра Реймова емес Жокаргы Кенестеги хурметли депутатларымыз хам Мурат Камалов бул нарсени алып шыкканын билмеймен егер рас болатугын болса усы аты фамилиясы менен корсетсин" | 2018-йилда қаранг ҳозир 4-йил ўтди қаранг шу вақтда Президентга Ўзбекистон Қахромони деган номни бериш бўйича "Менинг фикрим" порталига партияга аъзо бўлган одамларнинг паспортининг номидан ID очиб яъни логин пароль очиб шу томонга мен шу Президентимизга Ўзбекистон Қахромони совринини бериш таклифини билдираман қўллаб-қувватлаб меҳнатлари бор деган махинацион фикр-таклифлар жўнатган, бу шу вақтда бўлган 2018-йилда бўлган нарса, энди ҳозир ҳурматли Зухра Реймованинг айтаётган Қорақалпоқ халқининг фикр-таклифлари дейилган жойга мен умуман ишонмайман, чунки 2018-йилда бировнинг паспортининг номига таклифлар пароль очиб, "Менинг фикрим" порталига фикр жўнатиш имконияти бор эди ҳозирда хам бу нарса йўқ бўлиб кетди деб ўйламайман, халқ деганда кимни назарда тутди, халқ бу мен хам менга ўхшаб ҳозир ўша нарсага Конституцияга ўзгартириш киритиш бўйича лойиҳага қарши чиқаётган мана бу ҳақийқий халқ Зухра Реймова қайси халқнинг назарда тутди кимнинг қачон қаерда қандай мурожатини қабул қилди бу ўзгартиришларни фақат Зухра Реймова эмас Жўқорги Кенгесдаги ҳурматли депутатларимиз хам Мурат Камалов бу нарсани олиб чиққанини билмайман агар рост бўладигани бўлса ўшанинг номи фамилиясини билан кўрсатсин" |

**"радикальний"**-"радикал-лотин тилидан-raficalis-илдизга оид; радикализмга асосланган партия аъзоси ёки шундай партия тарафдори; туб ва кескин ўзгаришлар тарафдори; радикализм-сиёсий атама сифатида, мавжуд давлат тузумини танкид остига олиб, радикал ўзгаришлар ўтказишни талаб этувчи сиёсий оким" сифатида ифодаланган.

Тадкикот учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган (01:03), "VID_20230906_083109_250" (09:48) номли видеоматериалнинг коркакалпок тилидан ўзбек тилига таржима килинган стенограммаси:

| | |
|---|---|
| "Қарақалпақша сойлесейик туўысқанлар! Баршеге ассалаума алейкум халык сози тениз толкыны деген ата-бабада гап бар, буны айтып атырганымнын себеби | "Қорақалпоқча гаплашайлик туғишганлар! Барчага ассалому алайкум халқ сўзи денгиз тўлқини деган аждодларимизда гап бор, буни |

| | |
|---|---|
| “Қарақалпақстанның жигитлеринен мен наразыман, топ теўип жүрген қарақалпақтың жигитлери бар, уялмай футболды газонда жугирип ойнап жүрипти, кафе, ресторанларда жүрипсизлер, хау биреў жылағанда күлме дейди. Усы ўақытта кафеге баратын дәўирме? Усы ўақытта футбол, топ теўетин дәўирме? Хаў миллет ары жатырыпты, миллет ары, не деген ҳәммеси орган, және жайлап отырыпты атырапымды, Мойнақта қамалып атырыпты адамлар, | “Қорақалпоғистоннинг йигитларидан мен норозиман, қапток тепиб юрган қорақалпоқнинг йигитлари бор, уялмасдан футболни газонда югуриб ўйнаб юрибди, кафе, ресторанларда юрибсизлар, биров йиғлаганда кулма дейди. Шу пайтда кафега борадиган даврми? Шу пайтда футбол, капток тепадиган даврми? Миллат номиси ётибди, миллат номиси, не деган ҳаммаси орган, яна аста ўтирибди атрофимда, Мўйноқда қамалябди одамлар, бошқа туманларда қамалябди, |

| | |
|---|---|
| *...............Ал қалаған атырапына, ал оны үлкен жоқары маглыуматлы жасшылар жан шейин жүрипти сазонларда менин хәмкәслерим айрылмасы"* | *лекин уни уйламасдан олий маълумотли йигитлар қопток тепиб юрибон газонларда менинг хамкасбларим бальлари"* |

Тадқиқот учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган (01:03), "VID_20230906_082835_301" (01:41) номли видеоматериалнинг қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилинган стенограммаси:

| | |
|---|---|
| *"Және бир мәрте айтаман, бизлердиң пуқаралық паспортымыз болмаса, паспортқа миллетимиз жазылмаса ID картаға, онан тысқары пул бирлигимиз болмаса, өзлеримиздиң гербимиз гимнимиз бизлер ушын жәрияланбаса... Конституцияның 70-71-72-73-74-75 статьяларына өзгерис киритилиўине бизлер қарсымыз...<br>Билдирилген пикирлерде болып атыр, лекин биз телеканал жәмәәти тиккелей эфирде алып шығыўға, олардың пикирлери жарыятыўға имканиятымыз болмай атыр, бизге мүмкиншилик берилмей атыр"* | *"Яна бир марта айтаман, бизларнинг фуқаролик паспортимиз бўлмаса, паспортга миллатимиз ёзилмаса ID картага, бундан ташқари пул бирлигимиз бўлмаса, ўзларимизнинг гербимиз гимнимиз бизлар учун эълон қилинмаса... Конституциянинг 70-71-72-73-74-75 моддаларига ўзгариш киритилишига бизлар қаршимиз...<br>Билдирилган фикрлар хам бўлмоқда, лекин биз телеканал жамоаси тўғри эфирда олиб чиқишга, уларнинг фикрларини ёритишга имкониятимиз бўлмаяпти, бизга имконият берилмаяпти"* |

Тадқиқот учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган (01:03), "VID_20230906_082841_954" (0:00:29) номли видеоматериалнинг қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилинган стенограммаси:

| | |
|---|---|
| *"Сатқын болып арсыз болып тири жүргеннен жақсы адам болып өлген жақсы... Даулетмурат иниміздиң босатылыўын талап етемиз, талап етемиз!"* | *"Сотқин бўлиб беномус бўлиб тирик юргандан яхши одам бўлиб ўлган яхши... Даулетмурат укамизни озод қилинишини талаб этамиз, талап этамиз!"* |

Тадқиқот учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган (01:03), "VID_20230906_082854_982" (01:12) номли видеоматериалнинг қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилинган стенограммаси:

| | |
|---|---|
| *"Заманғада келдик мине бир демде<br>Өз елиңде өзиң жүрип қорқатын,<br>Исеним жоқ, исеним жоқ шығып турған күнгеде<br>Хукиметтиң қышығанда арқасы.<br>Мусылманбыз дедик динди бир дедик<br>Мусылманлар мусылманды жүр егип<br>Тыньшлықты сүйген тыньшлар еди<br>Қолларында гранатлар жүр негып<br>Жаўдай билген халық бизге дос шықты<br>Қорғаўшы деп билгенимиз оқ тықты,<br>Жоқарыдан келген сөзлер пас шығып<br>Аш халықтың көзлеринен от шықты.<br>Бурынлары, дым бурынлары, ол кезлери баламыз,<br>Танкы, мылтық ойнап өстик шаламыз,* | ***"Замонга келдик мана бир дамда<br>Ўз элингда ўзинг юриб қўрқадиган,<br>Ишонч йўқ, ишонч йўқ чиқиб турган кунга ҳам<br>Хукуматнинг қичиганида орқаси.<br>Мусулмонмиз дедик динни бир дедик<br>Мусулмонлар мусулмонни юр эгиб<br>Тинчликни яхши кўрган тинчлар эди<br>Қўлларида гранатлар юр нима қилиб?<br>Босқинчи деб билган халқ бизга дўст чиқди,<br>Қўриқловчи деб билганимиз ўқ тиқди,<br>Юқоридан келган сўзлар паст чиқиб<br>Оч халқни кўзларидан ўт чиқди.<br>Олдинлари, янада олдинлари, у пайтлари боламиз,*** |

| | |
|---|---|
| *Бүгинги жоллар соншелик тыныш,<br>Тыныш, танки көрсек тығыламыз қаламыз.<br>Үш жүзден көп шейит кеткен елим деп<br>Даулетмурат жоқта болды жерим деп<br>Лаўазымда жүрген лаўазымшылар<br>Ютуб көрди аўырмасын белим деп"* | *Танка, милтиқ ўйнаб ўсдик чаламиз,<br>Бугунги йўллар шунчалик тинч,<br>Тинч, танка кўрсак тиқиламиз қоламиз,<br>Уч юздан кўп шахит кетган элим деб,<br>Даулетмурат йўқда бўлди ерим деб,<br>Лавозимда юрган лавозимчилар<br>Ютуб кўрди огирмасдан белим деб"* |

"**кичиганида орқаси**"–"орқа"-"гавданинг қорингa нисбатан терс томони, бўйиндан думғазагача бўлган қисми; нарсаларнинг терс ёқдаги қисми, юз, бет, олд томонига текари томони, текариси; нарса ёки кимсанинг юз, бет олд томонига қарши томон, орт" мазмунларида ифодаланган" "*Хукуматнинг қичиганида **орқаси***" жумласи қўлланилиб каситувчи мазмундаги шахсий, салбий баҳоловчи, таърифловчи фикр билдирилган;

"**босқинчи**"-"зўрлик билан бостириб келиб таловчи қуролли ўғри, бандит; ўзга юртни элни босиб олувчи; тажовузкор, агрессор" мазмунларида қўлланилган;" "***Босқинчи** деб билган халқ бизга дўст чиқди,*" жумласи қўлланилиб шахсий, салбий муносабат ифодаланган.

**2.3**.Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳақоратлаш, обрўсизлантириш аломатлари, шахснинг қадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишга олиб келадиган ахборотлар мавжуд эмас.

## 3. Сиёсий таҳлил
## (давлат суд эксперти: О.Мусаев)

Тақдим этилган материаллар кўздан кечирилди ва улар сиёсий нуқтаи назардан таҳлил этилди. Тақдим этилган объектларнинг матн анализи (контент анализ) тизимли таҳлил методлари ёрдамида қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

3.1. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_082619_235" номли видеоматериалда "***Сотқин** бўлиб **беномус** бўлиб тирик юргандан яхши одам бўлиб ўлган яхши*" деган мазмундаги одамларни норозиликка рағбатлантирувчи фикр билдирилган.

3.2. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_082708_306" номли видеоматериалда "*Бугунгидай бўлиб мени яна қамайдиган бўлса унда балким бошқа гап, сизлар мени қаматмаслик сизларнинг қўлингизда, сизларнинг талабларингизни бажариш менинг*" деган мазмундаги одамларни норозиликка рағбатлантирувчи фикр билдирилган.

3.3. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_082722_568" номли видеоматериалда "*Биз қашқирмиз, қашқир феълли қарекенг,*

*Концерт қўйиб пахта қўйма бизларга,*
*Кеча ўлди, ўлди менинг дўстларим,*
*Ўлим кетди қанча огаларим,*
*Аза тутиб ўтирганда халқимиз*
*Концерт бериб байрам қилди, байрам қилди ўз дўстларим,*
*Бир садақа беролмади ҳукумат,*
*Концерт қўйиб кайфи-сафо қилди ҳукумат,*
*Шахид кетган дўстларимнинг руҳига*
*Бир қўй сўйиб беролмади ҳукумат.*
*Оллох бор осмонда қараб турган*

*Сенлар учун дўзахдан Оллохнинг ўзи очередь олиб қўйган,*
*Эй Оллохим қўл очаман ўзингга,*
*Бир ҳақиқатни айтиб берингчи бизларга,*
*Дўстларимни ўлдирган солдатлар нега яшаб юрибди бу ҳаётда,*
*Битта эмас ўн саккиз одам шахид кетди бу ҳаётдан,*
*Ҳақиқат сўраб чиқган қорақалпоқ халқимни қамашдику, ўлдирдику ҳукумат,*
*Ўлганларга жавоб берсин бизларга*
*Қамалганлар чиқарилсин турмадан,*
*Шунда адолат бўлар биз қорақалпоқ элида"* деган мазмундаги мамлакат раҳбарияти фаолиятидан норозиликни ифодаловчи сиёсий талаблар илгари сурилган.

3.4. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_082728_825" номли видеоматериалда *"Сотқин бўлиб беномус бўлиб тирик юргандан яхши одам бўлиб ўлган яхши... Мана кўплар ўлябдику, қириб ётибдику, телевизордан эса 2-июль кунида Ўзбекстонда гербни қабул қилинган кун деб байрам бўлиб ётибди"* деган мазмундаги одамларни норозиликка рағбатлантирувчи фикр билдирилган.

3.5. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_082931_577" номли видеоматериалда *"КУЧ БИРЛИКДА, ҚАРАҚАЛПАҚСТАН ХАЛҚИМ УШБУ ВИДЕОНИ ТАРҚАТИНГ. Ҳурматли Қорақалпоғистон беклари, Мурат Камалов ва бошқа тепада ўтирган Қорақалпоқ оға йигитлари, Қорақалпоқ азаматларига айтадиганим шуки, Қорақалпоғистоннинг территориясини чизиб берди, стан олиб берди Аллаяр Досназаров, унинг йўлини давом этиб, Қорақалпоғистон суверен республикасини инъом этиб, Даулетбай Шамшетов қўлингизга чайнаб бериб суверенитетни бериб йўлни кўрсатиб кетди, энди Қорақалпоқнинг куни не бўлади, суверенитетни олиб ташласа, Қорақалпоғистон вилоятга айланса, Қорақалпоғистон халқининг келажаги не бўлмоқ, сув йўқ, қорақалпоқ миллати сони камаймоқда, гимннинг кучи йўқ, Конституциянинг кучи йўқ, мана бу декларациянинг кучи йўқ, шунда Қорақалпоғистонни қандай қилиб Ўзбекистон Республикасига яна хам ишониб бирга бўламиз деб айтиш мумкин? халқнинг келажагини қандай қилиб Ўзбекистон Республикасига ишониб топшириш мумкин? улар суверенитетни йўқ қилди, халқнинг сонини камайтирди, Амударёни йўқ қилди, Сирдарёни йўқ қилди, Орол денгизини йўқ қилди, энди қолиб турган икки миллионга етар-етмас халқ билан Қорақалпоғистоннинг стани ва суверенитетини йўқ қилса биз гадой бўламиз. Уйғурларда ер йўқ, дунганларда ер йўқ, Қорақалпоғистон халқи сиз она ердан айрилмоқдасиз, хаммангиз ётмасдан, ўз ерингизни ҳимоя қилиб, талаб қилишингизни мен ҳохлардим, керак бўлса, жонимни беришга тайёрман, биз Қорақалпоғистоннинг оғаларига, опаларига, уйидаги ёши улуғларга илтимос қилиб сўрайман қорақалпоқнинг ерини ҳимоя қилинг, ор қани, номус қани қорақалпоқ халқи қани ҳимоя қилиш учун номусингизни сотмасдан қорақалпоқнинг ери учун эртага эътирозингизни билдириб айтиб мана бланкаларни тўлдириб топширинг, Ўзбекистон халқи бутун Қорақалпоғистон халқини кириб ташлай олмайди, қўрқманг халқим, ер учун жон фидо, ер кетса биз ҳеч ким эмасмиз, қорақалпоқ келажаги биз хам деҳқон бўлиб кетамиз тушинябсизми, шунда хам 30 йил мусофир бўлдингиз, Қозоғистонда юрибди сарсон бўлиб Қорақалпоғистон, Россияда юрибди Қорақалпоғистон, Кореяда юрибди Қорақалпоғистон мана 30 йилда бизлар ўшандан бошқа хеч нарсани кўрмадик, извиняюсь Шавкат Миромонович"* деган сепаратистик мазмундаги ғоя илгари сурилган ва бунга одамларни рағбатлантирувчи фикрлар айтилган.

3.6. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_082944_521" номли видеоматериалда *"Бизларнинг алоҳида чиқиш*

*ваколатимизга нега бошқа вилоятлар овоз бериши керак экан, қаерда ёзилган ушбу қонун, хеч қаерда ёзилгани йўқ, бизлар ўзларимизнинг тақдиримизни ўзимиз ҳал қилишимиз керак, бошқа вилоятлар овоз беришмасин, аралашмасин бизларга тошкентликлар, бизлар Ўзбекистон билан тенг хуқуқга эгамиз, бир нарсани ўйлаш керак фуқаролигимиз бир, пул бирлигимиз бир, қонунларимиз бир, Конституция бир, лавозимларни хам Ўзбекистон тайинлайдиган бўлиб кетди, қандайдир кичкина лавозим бўлса хам Ўзбекистон тайинлайдиган бўлиб кетди, шулар етмайдими, мана бу эса ортиқча, мана бу ҳаракат ортиқча, бизларнинг депутатлар агар юрагингизда ор-номусингиз бўлса кетинглар, халқнинг кўзига кўринманглар, менинг шахсий фикрим бу, энди биз нима қилишимиз керак, аксинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши раиси деган статус эмас Президент деган статусни тайинлашимиз керак, шу даражага етиб келдими мана энди бошлашимиз керак, Президентимизни тайинлашимиз керак, ёки Мурат Каллибекович бўладиган бўлса уни Президент деган статусни қабул қилишимиз керак, аввалгидек фармон қилишимиз керак, Конституция бажарилиши керакми бажарилиши керак, 75-моддадагидек Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон ўртасида шартнома бўлиши керак, фуқаролик статусми фуқаралик статусни қабул қилайлик, паспорт олайлик қонуний равишда, Кодексларимиз бўлсин ўзларимизнинг, чунки қонунда шундай этиб ёзиб қуйилганку Конституцияда ёзилганку, шартнома билан бир шартнома тузайлик Ўзбекистон билан, 5-йилгами, 7-йилгами хўп Президент сайлови 7-йилга бўладиган бўлса бизларда 7-йилга шартнома тузайлик Ўзбекистон билан икки давлат шартнома тузишсин тантанали равишда нишонласинлар етти йил тотув яшайлик етти йилдан кейин бизларга рухсат беринг, ана адолат дегани шу, хуллас кўп гапириб юбордим (ҳис-ҳаяжонли гаплар)ҳурматли халойиқ, чунки бу ерда миллат номуси ҳақида гап кетаябди, шу сабабли ҳозирги видеони тўлиқ кўришингиз ва ўзларингизнинг фикрингизни билдиришингизни сўрайман, эътиборингиз учун рахмат*" деган сепаратистик мазмундаги ғоя илгари сурилган ва бунга одамларни рағбатлантирувчи фикрлар айтилган.

3.7. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_083058_878" номли видеоматериалда "*Ассалому алайкум Қорақалпоқ халқи, охир-оқибат видео ёзув орқали мурожаат этишга қарор этдим, хабарингиз бор каналда кўриб ўтирган бўлсангиз керак конституцияга ўзгартириш киритиш бўйича олиб чиқилаётган таклиф ва амалда ишлаб турган Конституциянинг моддаларида Қорақалпоғистон озодлиги ҳақида нима дейилгани ҳақида ҳаммангизга шу ҳақида маълумотларни тўлиқ етказдим, қорақалпоқча тушинмайдиган аудиторияга ўзбекча ишлаб бериш ниятим бор, лекин биринчи навбатда мақолани русча ёзиб сайтга жойлаштирдим, энди менинг битта таклифим бу нарса амалга ошадими ошмайдими билмадим, эртага 5 июль кунида Конституцияга ўзгартириш киритиш бўйича фикрлар ўз хулосасини беради, энди менинг қўрқиб турган жойим бизлар одамлар шунчалик карши бўлиб, OneID орқали рўйхатдан ўтиб, шундан рўйхатдан ўта олмай бошқа почта орқали қўнғироқ этиш орқали ўзининг қаршилигини билдириб ётибди, лекин шунга қарамай тақдим этилаётган Конституция қабул қилиниб кетадиган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси суверенитетининг йўқлиги, ўзининг чегарасини ўзи белгилаш, шуни ичида қарорларни қабул қилиш деган модда олиб ташланадиган бўлса, олиб ташлаб қабул қиладиган бўлса Қорақалпоқ халқига таклифим бор, у хам бўлса яъни, Конституцияга ўзгартириш қабул қилиш фикрларини тўплаш муддати тугагандан кейин, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига бориб, Жўқорги Кенгесда Қорақалпоқ халқининг номидан ишонч билдириб тайинланган депутатларнинг ҳаммасини Мурат Камаловнинг бевосита ўзининг раҳбарлигида отставкага кетишини талаб қилиш, агар албатта янги лойиҳадаги Конституция қабул қилинса, биринчи навбатда депутатлар хам Жўқорги Кенгес раисини отставкасини талаб этиш бу бир, иккинчи Қорақалпоғистон Республикасида*

*Референдум ўтказиш орқали Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиш бўйича Референдумни овозга қўйиш, бу нима дейди жудаям* ***радикальний*** *қарор, тўғри бу радикальний бу нарсага Қорақалпоқ халқи тайёрми тайёр эмасми деган савол бор биринчи навбатда, лекин шунақа бўлса хам бу нарсани ишлашга ҳаракат қилишга бўлади, менинг ҳозир бу айтаётганим таклифим, умуман Конституцияга, Конституциявий тизимга* ***Ўзбекистон Республикасининг бутунлигига бўлиши мумкин,*** *лекин ҳозирги лойиҳа билан олиб чиқилган ва қорақалпоқ халқининг ҳоҳишидан саволидан келиб чиқмасдан Жўқорги Кенгеснинг айтиши бўйича халқнинг таклифи бўйича тайёрланган Конституцияга ўзгартириш киритиш лойиҳаси бу биринчи навбатда ҳуқуқбузарликнинг энг каттаси бўлади, чунки қорақалпоқ халқи деб айтаётган бизларнинг хурматли Зухра Реймованинг халқи бу реал халқ эканлигига мен ишонмайман, битта мисол келтираман* ***2018-йилда мен Ўзбекстон Либерал партиясида ишлаб юрган вақтида 2018-йилда қаранг ҳозир 4-йил ўтди қаранг шу вақтда Президентга Ўзбекистон Қахромони деган номни бериш бўйича "Менинг фикрим" порталига партияга аъзо бўлган одамларнинг паспортининг номидан ID очиб яъни логин пароль очиб шу томонга мен шу Президентимизга Ўзбекистон Қахромони совринини бериш таклифини билдираман қўллаб-кувватлаб меҳнатлари бор деган махинацион фикр-таклифлар жўнатган, бу шу вақтда бўлган 2018-йилда бўлган нарса, энди ҳозир хурматли Зухра Реймованинг айтаётган Қароқалпоқ халқининг фикр-таклифлари дейилган жойга мен умуман ишонмайман,*** *чунки 2018-йилда бировнинг паспортининг номига таклифлар пароль очиб, "Менинг фикрим" порталига фикр жўнатиш имконияти бор эди ҳозирда хам бу нарса йўқ бўлиб кетди деб ўйламайман, халқ деганда кимни назарда тутди, халқ бу мен хам менга ўхшаб ҳозир ўша нарсага Конституцияга ўзгартириш киритиш бўйича лойиҳага қарши чиқаётган мана бу ҳақийқий халқ Зухра Реймова қайси халқнинг назарда тутди кимнинг қачон қаерда қандай мурожатини қабул қилди бу ўзгартиришларни фақат Зухра Реймова эмас Жўқорги Кенгесдаги хурматли депутатларимиз хам Мурат Камалов бу нарсани олиб чиққанини билмайман агар рост бўладигани бўлса ўшанинг номи фамилиясини билан кўрсатсин"* деган сепаратистик мазмундаги ғоя илгари сурилган ва бунга одамларни рағбатлантирувчи фикрлар айтилган.

3.8. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_083109_250" номли видеоматериалда "*Қорақалпоқча гаплашайлик туғишганлар! Барчага ассалому алайкум халқ сўзи денгиз тўлқини деган аждоодларимизда гап бор, буни айтаётганимнинг чунки халқ орасида бир нечта фикрлар бор яъни қорақалпоқ тилининг жар ёқасига келгани Қорақалпоғистон тарихи деярли унутилиб бораётгани, йўқ бўлиб бораётганлиги айтилади худди шунақа кечагина Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Департамент раҳбари Пердегалий Дабылов деган оқсақолимиз бор ёшуллимиз, ундан ташқари Нукус шаҳрида битта мутахассиси бор иккови хам ҳисобот берди Қорақалпоқ тили ривожланябди бизнинг шунчаллик даражада пешонамиз ялтираябди ундоқ, бундоқ деб худонинг кўп гапларини айтди, мен буларга бир нарсани айтиб қўйай дегандим, сизлар қорақалпоқ тилини ривожлантираябди деябсиз ҳаммаси ёлғон, биргина мисол Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган мажлисда Пердагалий Дабылов айтганди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида бошқа соҳаларда қорақалпоқ тилида ёзув қорақалпоқ тилида иш юритишни қаътиий йўлга қўямиз деганди, аксинча суд прокуратура органлари бошқа соҳаларда қорақалпоқча хат берсанг ўзбекча жавоб берадиган бўлди, ал энди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига келадиган бўлсак ҳозир жиноят ишларининг ҳаммаси ўзбекча бўлиб кетди қорақалпоқча эмас, бир мисол анави Қозоқдарьёнинг одами ёки Қораўзак Тахтакўпирда судланаётган бўлса хам ўзбек тилини билмаса хам иш ўзбек тилида олиб борилябди, суд жараёни қорақалпоқча ўтади лекин ҳукмни ўқисак ўзбекча*

ёзилган бўлади, ҳеч қанақа давлат мониторинги йўқ, қорақалпоқ тили шу даражада эътибордан қолаябдики, маҳалла фуқаролар йиғини ҳоҳлаган жойида Қозоқдарьёга кириб борадиган жойми у қорақалпоқнинг қайнаётган жойи Қозоқдарьёга кириб борсанг маҳалла фуқаролар йиғинида ўзбекча осилиб турибди ҳоҳлаган жойида. Қани тилнинг ривожланаётгани, майли у хам ҳеч гап Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим вазирлигида ходимлар билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда огоҳлантирамиз яна бир нималар буйруқлар ҳаммаси ўзбек тилида, қани мониторинг отдель одам деган сал ҳисобот берганда хам уялиш кераку, энди шунчалли даражада тилнинг мен ҳайрон қоламан да мен масалан ҳоҳлаган ерга ёзаман қорақалпоқ тилида ёзаман, ор-номусим йўл қўймайди қорақалпоқ тилида ёзаман тушинса тушинсин Тўрткўлга ёзсам хам қорақалпоқ тилида ёзаман. Ўзбекистонга хат ёзсам қорақалпоқ тилида ёзаман, барча вилоятларда журналистик текширув ўтказдик қорақалпоқ тилида интервью бердим, улар тушинди қорақалпоқча менга ўзбек тилида жавоб берди рахмат бошқа вилоятларга, энди мана Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим вазири янгидан бўлди жуда яхши бўлди, жуда илмли жонкуяр одам бўлди ҳақиқатда хам энди худо ҳоҳласа қорақалпоқ тилида ўзгаришлар бўлади деб ўйлайман, энди Қорақалпоғистон. тарихига келадиган бўлсак, мана мен 2022-йилда 17-январь кунги Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан шу даврдаги министр томонидан менга хат келди, хатда ёзиб қўйибди мана Қорақалпоғистон тарихи фани учун алоҳида соат ажратилмаган, нима деган гап, СССРни ёмонлаймиз у пайтлари Қорақалпоғистон тарихи деган фан ўтиларди, Қорақалпоғистон тарихи деган кўк китоб бўларди, нега Қорақалпоғистон тарихи ўтилмайди, у томонига қарайдиган бўлсак ўқитиладиган ҳеч нарсамиз йўқ ҳатто, бизларда шунчалли даражада тарихчиларимиз бор не не номларни (отоқларни) олиб бўлган. Академикликни хам олган, бошқасини хам олган, лекин Қорақалпоғистон тарихига келадиган бўлсак, хеч нарса йўқ, хатто Ўзбекистон Республикаси Миллий университети Профессор-ўқитувчилари айтди узр сиз Қорақалпоғистон тарихини Ўзбекистоннинг университетлерида ўқитилишини талаб қилаябсиз, биз ўқитайлик хўп деди қани айтингчи ўзларингизда ўқитадиган нимангиз бор деди, қаранг олимларнинг айтишига нима бор ўқитадиган деди ўзларингиз хам тарихий шахслардан фақат деди поэзия, проза фақат шу даврнинг ичида ёзилган деди, қишлоқ хўжалик тупроқ бошқа, миллий намоёндаларингиз қани ҳарбий қаҳрамонларингиз борми қорақалпоқда хам қаерида ёзилган ҳарбийларингиз бўйича, қайси қўлланмада бор илмий деди, кўрсатиб беринг деди бу бўйича видеода чиқардим, Маманбий бўйича тарихда борми, Айдосбий борми, Эрназар борми, Эрназар фақат вақтда туғилган қолган томони хеч ерда йўқ, мен мисолдаги Қорақалпоғистон тарихини ўқиятганимда шунақа даражага келтирардим болаларни қўлига қилич олиб чиқиб кетадиган даражада ўрганиш керак, тарих фанини ўргатган пайтида, оғир вазиятга келдингми бел олиб чиқиб кетадиган бўлиш керак, поэзия прозани ўрганганда шоирлиги хам илхом жўш уриб кетадиган, романларнинг ҳаммасини кўтариб ташлайдиган даражадаги илхам париси қилиб уйғотиб юбориш керак, у учун конкрет қўлланма керак, масалан мен айтадиган бўлсам, Эрназар бобо бўйича тарихни ўқийдиган бўлсам мен шундай қилиб келтираман Эрназар бобомиз деймам шунчалик даражада қорақалпоқнинг намояндаси, ботири бўлди савлати шундай келишган, мўйловларини қайириб қулоғига илиб қайириб қўядиган бўлган гавдали кўзлари чақмоқнинг тошидек ўнг томонида қилич чап томонимда ҳанжари осилиб турадиган савлатли азамат бўлган, шунчалик даражада таърифлаб берган бўлардим, образга кириб, ўқувчилар ўрнидан туриб кетадиган даражада бўлиши керак ана тарих деган, бизларда на Эрназар фалон фалон йили туғилган фалонинчи йилда вафот этган, Хива хонлиги урушида иштирок этган, қани ўша нарса тарихми нима, ҳоҳлаган мактабинга бориб ҳоҳлаганингча мониторинг ўтказинг мана ўшанақа қилиб ўқитилади бўлди., ботирлар конкретний айтилмайди, Аллаяр бобомиз айтилмайди, миллий мустақиллик бўйича ҳаракат қилганлари айтилмайди хеч жойда,

104

*нега айтилмайди ўзимники у тарихни яшириб бўлмайди, мана Вазирликнинг бериб қўйган жавоби Қорақалпоғистон Республикасида Қорақалпоғистон тарихи бўйича биронта бир дарслик йўқ, бу масқарабозлик эмасми, нима сабаб Жўқорги Кенгес, Вазирлар Кенгаши бу нарсани қўлга олмайди, ҳалиги Дабылов нега қўлга олмайди, ўзимизнинг тарихимизни белгилай олмайдиган бўлсак, яна хатда ёзиб қўйибди Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳал қилинади деб, бу қанақаси битта фанимизни еча олмайдиган бўлсак нима қилиб ўтирмиз бизлар, болалар эртага келажак авлодни далада қолдирамизку, орадан 50-йил ўтса хам 50-йилда миллат, давлат янгиланади дейди, эртага 50-йил ўтгандан кейин нима деб жавоб берамиз болларимизга, ҳамма амални деб ўлиб бораётгандай менинг нуқтаи назаримда, тарихимизни жойига қўя олмаймиз, ҳалигача эсимда Қорақалпоғистон тарихини географияни тугатган ўқитувчилар ўтиб юргани ҳалигача эсимда, мана ўзлари ёзиб қўйибди хатга тушдинг ўтга тушдинг тан олиб қўйган, яна таълим вазири жавоб бериб қўйибди Тўрткул, Беруний, Элликкалъа туманларида қорақалпоқ миллатидаги халқ ўзбек мактабида ўқиябди, чунки хеч қанақа бизларга таклиф берилмади халқ орасида шу сабабли қорақалпоқ мактабини очишни лозим топмадик, нима таклиф, Таклиф бермаса ўзинг бор халқнинг ичига халқнинг орасига кир, мажлис ўтказ, қорақалпоқ мактабини очмоқчимиз фикрингиз қанақа деб, кафолат бериб айтаман хеч ким қаршилик билдирмайди. Мана қорақалпоқ миллатларнинг очилишини шунчалли қийин, уялмасдан вазир Реймов хат бериб қўйибди таклиф фикрлар бўлмади деб, таклифлари бўлмаса ўзларингиз чиқинг халқнинг орасига мен тоза вазирдан сўраган бўлар эдим. Тўрткўл, Беруний, Элликкалъа ва Амударё қорақалпоқ мактабини очиш керак, дарьёнинг нариги томони ўзбек мактаб дарьёнинг бу томони қорақалпоқ мактаб, у қанақа бўлади Қорқалпоғистон Республикасида туриб, мана бу таълим вазирлигидан келган макалатура деб айтаман, макалатура демай нима қиласан хеч қандай аҳамиятга эга бўлмагандан кейин, билмадим бу борган сари нима бўлишини, ха актив агар иложи бўлмайдими, ёки буларга жазо қўлланмаса хеч ким индамайди, ҳаммаси лам-лум қағозни кўрсанг пешонамиз ялтираябди уай-бу ундоқ, мундоқ, ажойиб бўлаябди деб, ҳурматли халойиқ ўзларингизнинг фикрингизни билдириб жавобини айтсангиз махсадга мувофиқ бўларди*" деган сепаратистик мазмундаги ва уни рағбатлантиришга қаратилган фикрлар билдирилган.

3.9. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_083125_719" номли видеоматериалда "*Қорақалпоғистон бу Ўзбекистон эмас! Қорақалпоғистон бу Ўрта Осиёдаги олтинчи эл Қорақалпоғистон*" деган сепаратистик ғоя илгари сурилган.

3.10. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган **"VID_20230906_083137_356"** номли видеоматериалда "*Даулетмурат Тажимуратовга туҳмат ёғдиришни тўхтатишни талаб қиламиз Ўзбек Ҳукуматидан. Биз ҳар бир Қорақалпоғистонлилар билан биргамиз. Олға Қорақалпоқ*" деган фикр билдирилган.

3.11. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_083143_691" номли видеоматериалда "*Эл хизматида Минайхан Жуманазарова ҳақида. Мана мен сиёсий ботқоқнинг энг тубига келдим, ҳозир менинг бўйнимда 10-йилдан 20-йилгача қамоқ жазоси турибди, бугун эртага қамоқга олинаётганимга кўзим етиб турибди, бугун уйим тинтув бўлади, бунга сабаб мана эл хизмати газетасида шундай мақола чиқди халқимизнинг севимли фарзанди марҳум Минайхан опа Жуманазарова бўйича эди, мана бу Минайхан опа Жуманазарова Қорақалпоғистон халқининг суверенитети бўйича Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти хурматли Ислом Каримовга ўзининг қорақалпоқ миллатининг суверенитети олиш бўйича фикрлари Президентга қарши гапирган сўзлари адолатни*

*сўзи учун бир неча йил ўша ўлгунча кўрган азобларини мен биламан, чунки у опа билан шахсан ўзим меҳмонда бўлдим, Оралбай деган жўрам билан бориб уйида дардлашдим, Қорақалпогистоннинг дардини сўзладим, Қорақалпогистоннинг суверенитетини гапладим, булар аччиқ ҳақиқат айни ҳақиқат опам ўлиб кетди*" деган сепаратистик мазмундаги ғоя илгари сурилган ва бунга одамларни рағбатлантирувчи фикрлар айтилган.

3.12. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_083150_352" номли видеоматериалда "*Даулетмурат Тажимуратовни қўллаб-қувватлайлик, Ўзбекистон ҳукумати қамоққа олмоқчи, Ботиримизни.*

*Бўла олмаса эл юртининг огаси,*
*Нега керак бизга элнинг хокими,*
*Эл гамида янграмаса юраги,*
*Сезмаса халқига нима кераклигини,*
*Бўла олмаса тўли юртнинг тираги,*
*Нега керак бизга элнинг ҳокими.*
*Бўлиб беролмаса халқнинг тенг ризқини,*
*Нима деганидан бузаверса тинчлигин,*
*Ўйламаса ўгил қизининг номисин*
*Нега керак бизга элнинг хокими.*

*Ҳудди шундай гап Республика рахбари Мурат Камалов ҳаққида эмас, гап Нукус шаҳри хокими Панаев ҳаққида, биз бу одамлар билан бир неча маротаба суҳбатлашганмиз, Қорақалпогистон Республикасидаги улуг ботирлар бўйича Нукус шаҳрида ботирлар аллеясини қуриш бўйича Вазирлар Кенгашига таклиф киритишини сўрадик, у эса ҳайкал ўрнатишдан бош тортди. Унга тинчлик кераклигини билдирди. Энди эса мен унга қуйидагича айтгим келади, кўрдим-кўрдим* ***аёл либосига яширинган ҳокимни кўрдим****, кўрдим-кўрдим тагига кобальт миндириб чопа-чоп деб мақтов берган ҳокимни кўрдим. кўрдим-кўрдим қора икра, қизил икра еб ҳалқига пиши деб кекирган ҳокимни кўрдим, айтмоқчи бўлганим бу ҳоким бобомиз ўзининг ахборот маркази бошлиги тагига кобальт миндириб хайдовчи бириктириб бир неча* ***қингир*** *ишларни амалга ошириб келмоқда, биринчидан мен ёлгон тухмат* ***монтажлардан иборат бўлган видеоларни аудио ёзувларни жойлаштирди****. Шу кунга қадар тегишли соҳавий хизмат вакиллари ҳам индамасдан келмоқда. Бу* ***Сагалатдинова*** *деган қизнинг устидан январ ойида ички ишлар органига январь ойида мурожаат қилган бўлсам шу кунга қадар бирон маротаба тушунтириш хати олинмаган, жавоб берилгани йўқ, бунинг орқасида* ***давлат ётибдими ким ётибди****, қонунга* ***порнография*** *масалалари, халқнинг* ***бузгунчи гийбат игволардан*** *иборат мақола қўйгани учун жазо чораси Ўзбекистон Республикасида шундай сарлавҳа учун дархол кечирим сўраб жазо чораси қўлланди нима учун бунга барҳам берилмайди, бир нарсани унутмасликни сурайман.* ***Калласи кетишидан*** *қўрқиб юрган айрим одамлардан илтимос қиламан, ушбу ҳолатларнинг охири бўлиши керак. Мени йўқотмоқчи ҳозир Қорақалпогистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси* ***томонидан*** *мени* ***сепаратист*** *деб тан олди.* ***Сепаратист деб ёзма равишда тан олди. Аммо*** *менинг бўйнимда бугун эрта қамоқ турибди*" деган сепаратистик мазмундаги ғоя илгари сурилган ва бунга одамларни рағбатлантирувчи фикрлар айтилган. Шунингдек, унда ҳокимят вакилларини масхараловчи мазмунидаги гаплар айтилган.

3.13. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_083157_473" номли видеоматериалда "*Каналимиз аъзолари сизлардан илтимос қилмоқчиман мени Аллаяр Досназаров деб билинг, мен қамоқда ётсамда ҳалқимнинг дардини аллох-таладан сўраб ётаман, мен ҳақимдаги видеоларга ишонмаслигингизни сўрайман, агар адолат бўлса экспертиза деган нарса бор, агар мен*

*ўладиган бўлсам, ўлган жасадимни халққа кўрсатишини сўрайман, сабаби менинг танамда туғилганимдан бери ҳолларим бор, у нарсаларни видеода кўрсата олмаслигига ишончим комил, улар ҳолларни йўқ қила олмайди, мен ҳозир танамни кўрсатким келмайди, менинг арслон юрагим у нарсани кўтараолмайди, шунинг учун мен ўлганимдан кейин менинг танамни халққа кўрсатишини илтимос қиламан. Сабаби бу маълумотларга айрим одамлар ишониб, ҳаттоки "тўрт кўз тугал" деган яқин дўстларим мендан бир ҳафтадан буён қочиб гаплашмай юрибди. Яъни менинг* ***битта жинслилар*** *билан муносабатда* ***эркаклиги йўқ****, ўзи* ***эркакнинг жинсидан лаззат олади*** *деган фикрда юрибди. Бундан ташқари битта нарсага хотирамда борида айтай бундан бир ҳафта аввал менга Қанликўл туманидан эл халқ учун жонини куйдириб юрган блогер "Муратчик" исмли укамиз қўнғироқ қилди Даулетмурат оға онамни синглимни, келинчагимни бузукка чиқариш, бу бўйича видео чиқаришимиз, турмуш ўртоғим бузуқи деб шантаж қилиб ётибди деди, савол туғилади нима сабаб ҳамма блогерлерларнинг яқинлари бузуқи бўлганима, нега менинг онам туғишганларим билан қўрқитишни ҳоҳлайди бунинг орқасида бошқа қингир нарса ётибди, менинг Қорақалпоғистон Республикасининг мустақиллигини олиб чиқади деган қўрқув билан бунинг орқасида Ўзбекистондан келган вакиллар бор деб биламан, менинг хавфсизлигимни фақат бир Оллох таоло саклайди. Ҳурматли халқ мен қилган нарсани ўйлаб кўринг бир нечта туманларда газ ёқиш бўйича тўғридан-тўғри мен сабабчи бўлдим, сув, электр энергияси, ундан бошқа халқнинг мурожаатлари, халқ қабулхонасидан кўра менинг шахсий қабулхонамга халқнинг ишончи ошди. Бундан ташқари бир нечта ҳуқуқлари тикланмаётган шахсларнинг ҳуқуқлари тикланди бунинг орқасида қора меҳнат ётибди, қора тер ётибди, миллат номуси ётибди,* ***давлат ишлай олмаган ишларни давлатдаги баъзи мансабдор шахслар қила олмаган ишларни мен қилганлигим учун мени қуритиш мақсадида ночор либосидан фойдаланябди,*** *мен ҳоҳлардимки айбимни бўйнимга қўйиб пора бўйичами бошқа масаладами Давлатга ҳиёнат қилишдами айбимни бўйнимга қўйиб бериб жазоласа мен дор остида турсам хам рози бўлиб ўлган бўлардим. Бироқ ундан* ***қингир*** *ишлар билан чиқарилган видеоларга ишонмаслигингизни сўрайман"* деган мазмундаги гаплар айтилган.

3.14. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_083235_763" номли видеоматериалда *"Барчага ассалому алейкум, мана кеча Ерназар бобомиз бўйича яна видео қилишга мажбур бўлиб турибман, сабаби бошқани билмадим мени тинчлантирмаяпти, сабаби бу тарих деган қайси давлатда биринчи Президент айтадиган эди "Кеча ким эдик бугун ким бўлдик" деб ҳақиқатдан қарайдиган бўлсам бутун давлатни шундай бир ғоя билан йўқ қилиб юборишга бўлади, мен 30 йилга мустақилликдаги* ***сиёсатга норозиман,*** *ҳозир ҳам бошим кўпчилик ҳаракатларга ўзим бир пайтда норозилигимни билдираман сабаби, демократия деган давлатда ҳоҳлаганимизча сўз эркинлиги бўлиш керак, қандай лавозимли шахс бўлишидан қатъий назар давлат раҳбарими бошқами ўзимизнинг қарши фикримизни билдириб билишимиз керак, энди мана Президент Мирзиёев келганидан бери сир эмас бизларнинг ҳам озгина ҳақийқий ор-номусимизни қайғурадиган бўлдик, лекин ҳалигача Президентнинг бу томонидаги одамларнинг фикри бизнинг қорақалпоқ деган давлати ўзининг асосий қонунларини фойдаланишга, асосий ўзининг миллий эркинлиги берилияпти деб айтолмайман толиқ эмас, лекин Президентга рахмат ўзи қатъан айтди, Қорақалпоғистон бўйича жуда ўзининг бир неча сўзлари бор бизларда ёзиб олинган, шу сабабдан мен ўзимни Президентга ёрдамчиман деб биламан. Энди яқинда яна айтди Президент хар бир вилоятда 15 кундан бўламан деди, Қорақалпоғистон Республикасига табони тегса мен шартли турда туз насиб бўлиб қолар кўришиб қолар деган ниятдаман, кўришсам жуда кўп нарсаларни сўрайман. Кўп нарсаларни айтаман, 2 минут вақт берса ҳам улгураман, энди мана кечаги Ўзбекистондаги 3 олимларнинг*

*чиқарган видеосига келадиган бўлсак, чиқаргани ҳа Ватан тарих китоби шу вақтгача барча юқори ўқув ўринларда ўқтиб келинган эътибор берган бўлсангиз мен тарихчиларга сўров бердим хеч қайсиси билмайди, мен билмасам сиз билмасангиз ёки бошқа билмаса ким билади, хаммаси билмайман деб қутилди, лекин билади юрак тўрида арслон йўқ хеч бирида юрак тўрида арслон йўқ мени судга бераверсин, қайси тарихчи бўлсада сен мени обрўсизлантирдинг видео орқали деб айтдинг мен судлашишга тайёрман. Биронтангиз хам бировингизнинг юрак тўрингизда арслон йўқ, ҳатто шу мажлисларда қочиб кетди, шундай мансабдор шахсларни кўрдик ҳалигина пединститутда Маман оға деган яна икки учтаси қочиб кетди энди Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори менга раддия бераман деди савол туғилади Фанлар Академияси, олий таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, давлат бошқарув органлари, прокуратура органлари қаерда, нима сабаб ўзларининг ҳаракатини кўрсатмайди, ё фақат эл хизмати мурожаати этиш керакми, ҳура олмаган ит уйига меҳмон келтиради дейди, энди мен сизларни итга тенглаштириб ётганим йўқ, ҳура олмагандан кейин уйига ҳоҳлаган одам кириб келаверади, худди шундай мана қорақалпоқнинг тарихини ҳоҳлаган одам анави томонда ўтириб олимман деб ҳоҳлагича булғаб ўтирибди, бизлар тез кунларда Ахмет Реймовнинг раддиясини кутиб қоламиз, агар Ахмет Реймов раддия бермайдиган бўлса, ҳозирги вақтда эл хизмати газетаси бош муҳаррири Абдумалик Хожаназаров бу бўйича журналистик текшириш ўтказяпти охирги вақтда Ўзбекстон Республикаси Олий таълим ва ўрта махсус вазирлиги устидан журналистик текшириш ўтказябди. Яъни қандай қилиб ўтказилди қандай қилиб рухсат берилди*" деган норозилик мазмундаги фикр айтилган.

3.15. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_083247_586" номли видеоматериалда "*Қорақалпоқ халқ тарихи. 1-бўлим Босқинчилик оқибатидан ота юртидан бош олиб кетишга мажбур бўлган қорақалпоқларнинг олди Қирим далаларида Азов сохилларида Дунай ва Дон дарёларининг қирғоқларига, охири Едил жайиқ бўйлари Урал тоғларигача бориб етди. Бу худуднинг кўпчилик ерлари Чингисхоннинг ўғли Жўши улусига қарашли бўлиб Алтин Орда давлатининг таркибига кирди. Бу ерларда қорақалпоқларнинг бир қисми азалдан яшайдиган эди, сўнги келган гуруҳлари ўз жигарлари билан ички бирликни кучайтириб улар Алтын Ордада катта кучга эга бўла бошлади, қорақалпоқларнинг босим кўпчилиги Амир Ноғайнинг улусига тегишли бўлиб улар Алтын Орданинг ғарбдаги ерларини қўриқлади ва бироз қолганларига шу томонга қараб кўчиб ўтди. 1391 йил Соҳибқирон саркарда Амир Темур Алтын Орда хукмдори Тўхтомишхонга қарши отланиб унинг устидан ғалаба қозонади, шунинг натижасида 1391 йили Амир Едиге бошчилик этган Ноғай ўрдаси барпо этилди, қорақалпоқлар шу ўрданинг асосий халқи бўлди, душманга қарши юруш қилганда Улуғ тоғ, Созак, Аллаяр деб сўрилма чаладиган булар энди Ноғай **шеёри остида қайта бирлашди***" деган шахсий фикрлар айтилган.

3.16. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_082716_644" номли видеоматериалда "*15 йилдан бери ечилмаган муаммоларни **ечиб бердим, яширмайман** Президент Мирзиёев бўлмаганида шу нарсани қилар эдим **керак бўлса, нуқта қўяр эдим** қорақалпоқнинг пешонаси қуриб келган Хива хонлигидан **бери кўрган азабимизга нуқта қўяр** эдим. Кимсан Даулетмурат бўлганим омад эмас, **яширмайман бўйнимизда қарз бўлмасин**, шу одам сабабчи, агар Мирзиёев **бўлмаганида яна айтаман шу нарсани мен қилар** эдим, агар чиқсам **Мирзиёев ишдан кетса эртасига қорақалпоқни кўтараман** халиям кеч эмас, мени бу фикримдан хеч ким қайтара олмайди, **шу одамнинг калби тозалиги** учун мен лям-люм ўтиришга мажбурман*" деган сепаратизмни рағбатлантиришга қаратилган фикр илгари сурилган.

3.17. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган

"VID_20230906_082736_543" номли видеоматериалда "*Қозоғистонда қорақалпоқ фаолларини ушлаши давом этмоқда, айниқса шу йили ёзда Ўзбекистонда бўлган норозиликдан сўнг шу каби воқеа бўлган. Кеча Ақтобе суди фаол Тлеубике Юлдашевани қамаб ташлади. Актобе шаҳридаги ушбу СИЗОда Ўзбекистон фуқароси Тлеубике Юлдашева сақланмоқда. Тошкентнинг сиёсатига қарши чикган аёлни Қозоғистон чегарачилари ушлаб олиб келиб суд 16 ноябрда икки ойга қамаган.*

*Қорақалпоғистон Республикаси хозирги пайтда ёпиқ доиранинг остида яширинган бир халқ бўлиб хисобланади. 38 ёшли Тлеубике Юлдашева қорақалпоқ фаоли, уч йил олдин Ўзбекистондан Қозоғистонга* ***кочиб келган****. Унинг сўзидан кейинги йиллари автономик Республикадаги Тошкентга қарши чиқган фаолларни* ***қудалаши кучайган****. Мени ўзбек хукумати Қорақалпоғистоннинг мустақиллигини, озодлигини сўраганим учун мени зўрлаб қамақда ушлаб, жаримага тортиб, судлаб судлаган фактларим бор. Мен ҳозир Қорақалпоғистондан чиқиб кетганимга икки йил бўлди. Яна мендан бошқа* ***фаоллар кўп****, Қорақалпоғистондан чиқиб кетиб Қозоғистонда мигрант бўлиб юришга мажбур, ўз элига киролмай. Ўз элига кирадиган бўлса яна шу каби* ***қудалашга*** *тушади, нега бизлар Қорақалпоғистоннинг* ***мустақиллигини сўраганимиз учун****. Юлдашева 13 ноябрда Қозоғистон билан Россия чегарасида ушланиб суд ечими билан 40 кунга қамалган. Қозоқ чегарачилари уни халқаро қидирувда бўлганини айтди. Адвокати фаолга қандай айиб қўйилганини билмайди. Актобедаги тергов қамоқхонасида ётган Юлдашевага 17 ноябрда адвокати кириб чиққан. Қамоқ шароитига хозирча шикояти йўқ, эртанги кунини ўйлаб йиглашини айтмаганда шароити ёмон эмас, адвокати ишини қилиб юрибди, хозир қамоқхона маъмурияти орқали озод статусини олишга илтимоснома берган, бундан ташқари Қозоғистонда панох изловчи рўйхатига олиш учун Ақтобе вилояти бандлик билан таъминлаш бошқармасига илтимоснома берамиз. Бунгача Алмаотада Қорақалпоғистондаги воқеаларга боғлиқ тўрт фаолни ушлаган, уларни қамоқга алиш муддати 12 ойга чўзилиб паноҳ изловчи гувоҳномаси берилган, шу вақт оралигида улар Ўзбекстонга берилмайди. Шу йил ичида Тошкент Қорақалпоғистон автоном Республикасини референдум орқали Ўзбекстондан ажралиб чиқиш хуқуқидан махрум этадиган ўзгариш таклиф этилган, бунга қарши чиқган халқни босиш учун давлат раҳбарияти қурол-яроқ қўлланди, расмий маълумот бўйича* ***20дан зиёд одам вафот этган, қорақалпоқ фаолларининг сўзларидан вафот этганлар сони будан анча кўп,*** *қонли воқеадан сўнг Тошкент низом лойиҳасини олиб ташлади*" деган мазмундаги аҳолида мамлакат раҳбариятидан норозиликни шакллантиришга қаратилган фикрлар айтилган.

3.18. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_082744_274" номли видеоматериалда "*Қорақалпоғистонда бўлган қонли воқеага боғлиқ Ўзбекистон* ***давлат раҳбарларининг фуқароларни қудалаш*** *давом этмоқда. Маълумотлар очиқ бўлмагани учун Ўзбекистон унинг ичида Қорақалпоғистоннинг ўзида қанча* ***одам қувғинга учраётганининг тўлиқ маълумотлари*** *йўқ, сабаби бу каби* ***маълумотлар борича ташқарига чиқарилмайдигани*** *бор. Қозоғистон ҳалқ ассамблеясининг* ***тарқатган хабарида Ўзбекистон давлат*** *раҳбарлари Қозоғистон қорақалпоқларига ҳам "оғиз сола бошлаган", пайтида Қорақалпоғистондан қочиб келган* ***фаолларни қўйиб энди олдиндан*** *Қозоғистон фуқароси бўлиб хисобланадиган* ***миллати қорақалпоқ фуқарога қидирув*** *эълон қилган. Ўзбекистоннинг Ички ишлар* ***вазирлиги қорақалпоқларнинг Мангистов вилояти*** *бўйича "Аллаяр жолы" деб номланган* ***этно-маданий бирлашманинг раиси,*** *Қозоғистон фуқароси Ниетбай Оразбаевнинг* ***кетига тушган, уни ушлаб*** *Ўзбекистонга экстрадиция қилиниши ҳаракатида.* ***Ниетбай Оразбаевга Қорақалпоғистонда*** *бўлган воқеага боғлиқ Ўзбекистоннинг* ***Конституцивий тизимига қарши чиқди*** *деган айб қўйган, Қозоғистон ҳалқ ассамблеясининг* ***тарқатган хабарида Ниетбай*** *Оразбаевга айб қўйишга асос йўқ. Бундан олдин* ***қорақалпоқ диспорасининг*** *Олмаотадаги тўрт*

*одамига айб қўйилганида Актаў шаҳрида яшовчи фуқаронинг айблашга ҳеч қандай асос йўқ. Воқеа вақтида Ниетбай Оразбаев Қаржанбас кема ичида вахталик сменадасида ишда бўлган, у хизмат кўрсатиш компанияларининг бирининг гуруҳига раислик этади. Хозирги пайтда Ниетбай Оразбаев Ўзбекистон давлат раҳбарларининг сўрови бўйича Қозогистон Ички ишлар вазирлигининг қидирув ташкилотига қидирувдаги одам хисобида қўйилган бўлиши мумкин, шунинг учун ўз фуқароси бўлиб топилган Қозогистон худудида эркин юралмаса керак. Бундан олдин Қозогистонда эхтиёткорлик билан юрган қорақалпоқларнинг тўрттаси ушланган деган хабар тарқалган. Энди Ўзбекистон Қозогистоннинг фуқаросини хам ушлаб олиб кетишга харакат этаётган бўлса керак. Ҳозир Қозогистон хуқуқ химоя қилиш органлари Ниетбай Оразбаевни экстрадиция қилгани йўқ. У Мангистов вилояти Прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб Қозогистон фуқароси сифатида хуқуқларини химоя қилишни сўраган. Ўзбекистон давлат раҳбарлари Қозогистон фуқароси халқ ассамблеясининг бирлашмаси Ниетбай Оразбаевга халқаро қидирув эълон қилди. Ниетбай Оразбаевнинг сўзига қараганда 6 октябрда Қорақалпогистонда тугилган жойи Хўжайли шаҳрининг Ички ишлар органлари томонидан ўзига нисбатан қидирув эълон қилингани ҳаққида хабар келиб тушгани, шунингдек полиция департаментига борганида унга Хўжайли судининг ажримини кўрсатган. Ажримда чилладаги қонли воқеада "Аллаяр жолы" этно-маданий бирлашманинг раиси ўзбек давлат раҳбарларига қарши тарғибот-ташвиқот юргизган деб ёзилган. Ажримда уни қорақалпоқ фаоллари билан боглик бўлди деб кўрсатган. Бундан олдин Олмаотада Қорақалпогистондаги воқеага боглик тўрт қорақалпоқ фаоли Қошқарбай Торемуратов, Жангелди Жаксымбетов, Раиса Худайбергенова ва Зиуар Мирманбетовалар ушланган деган хабар бўлган. Июль ойининг бошида Қорақалпогистонда оммавий норозиликлар бошланиб аҳоли Конституция лоиҳасига қаршилик билдирган, норозиликни босип тинчлантирган Ўзбекистон давлат раҳбарлари Қорақалпогистонда фавқулотда вазият эълон қилган. Расмий маълумотларга қараганда Қорақалпогистондаги воқеада 21 киши вафот этган **516 киши ушланган. Вафот этганларнинг 16 одами махаллий аҳоли 4 хуқуқни химоя қилиш органлари вакиллари.** Ушбу воқеадан сўнг Ўзбекистон парламенти Конституция лоиҳасида Қорақалпогистоннинг мустақил моқомини сақлаб қолиш ҳақида ечим қабул қилган, аслида қайси давлат бўлмасин экстрадициялашга четда юрган ўз фуқаросини сўрайдиган эди. Ўзбекларнинг Қорақалпогистонда тугилган лекин шу куни Қозогистон фуқароси бўлиб топилган одамни экстрадициялашга ҳаракат этиш қанчалик тўғри келамасаям нотўғри эканини ким билсин*" деган мазмундаги аҳоли орасида ваҳима келтириб чиқаришга қаратилган фикрлар айтилган.

3.19. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_082756_661" номли видеоматериалда "*Мен ўша стан дегандан қўрқаман, уларда қонун йўқ*" деган гап айтилган.

3.20. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_082815_850" номли видеоматериалда "*Қорақалпогистоннинг йигитларидан мен норозиман, қапток тепиб юрган қорақалпоқнинг йигитлари бор, уялмасдан футболни газонда югуриб ўйнаб юрибди, кафе, ресторанларда юрибсизлар, биров йиғлаганда кулма дейди. Шу пайтда кафега борадиган даврми? Шу пайтда футбол, капток тепадиган даврми? Миллат номиси ётибди, миллат номиси, не деган ҳаммаси орган, яна аста ўтирибди атрофимда, Мўйноқда қамалябди одамлар, бошқа туманларда қамалябди, лекин уни уялмасдан олий маълумотли йигитлар қопток тепиб юрибди газонларда менинг хамкасбларим баъзилари*" деган мазмундаги одамларни норозилик харакатларига ундашга қаратилган фикр айтилган.

3.21. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_082835_301" номли видеоматериалда "*Яна бир марта айтаман, бизларнинг фуқаролик паспортимиз бўлмаса, паспортга миллатимиз ёзилмаса ID картага, бундан ташқари пул бирлигимиз бўлмаса, ўзларамизнинг гербимиз гимнимиз бизлар учун эълон қилинмаса... Конституциянинг 70-71-72-73-74-75 моддаларига ўзгариш киритилишига бизлар қаршимиз...*

*Билдирилган фикрлар хам бўлмоқда, лекин биз телеканал жамоаси тўғри эфирда олиб чиқишга, уларнинг фикрларини ёритишга имкониятимиз бўлмаяпти, бизга имконият берилмаяпти*" деган фикр билдирилган.

3.22. Хулоса бериш учун тақдим этилган "TikTok" интернет ижтимоий тармоғининг "qareken_jetkerbay" профили фойдаланувчиси томонидан жойланган "VID_20230906_082841_954" номли видеоматериалда "*Сотқин бўлиб беномус бўлиб тирик юргандан яхши одам бўлиб ўлган яхши...Даулетмурат укамизни озод қилинишини талаб этамиз, талап этамиз!*" деган мазмундаги одамларни фаол бўлишга ундовчи ғоя илгари сурилган.

